



**ЁШЛИК**  
**БАҲОРИНИНГ**  
**БОЙЧЕЧАКЛАРИ**



Гафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент – 2013

УЎК 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)7

Ў 84

*Узб. адаб.*

Ёшлик баҳорининг бойчечаклари: шеърлар /Нашрга тайёрловчи Б.Эргашев. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013. – 132 б.

2014/18 A 1514	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Respublikasi
----------------------	--

ISBN 978-9943-03-573-7

УЎК 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)7

*№ 42350  
281*

© Фафур Фулом номидаги  
нашриёт-матбаа  
ижодий уйи, 2014

## БЕҒУБОР САТРАЛАР САДОСИ

Ёшлик — биргина шу сўз замирида олам-олам орзулар тўлқини, қуввату қудрат бахш этувчи чорлов, қанчалар гўзаллик ва нафосат, энг муҳими, оташ ичра гуллаб турган муҳаббат мавжуд. Муҳаббат аҳлига эса дунё ҳамиша гўзал кўринади. Бахт деган сўзнинг беланчагини ҳеч ким севиб-севилганлардан аъло тебрата олмайди.

Демак, савол туғилади: Ошиқлар кимлар?... Оловнок диллар, лолагун юзлар, чўлганган кўзлар... Бир сўз билан айтганда... Йўқ-йўқ... Ошиқлар бир сўзга сиғмайдилар. Улар оламдаги барча гўзал сўзларнинг эгалари. Улар офтобни узиб олишга қодир.

Ошиқларга яна бир сўз узукка кўз қўйгандек ярашади. Ошиқлар — шоирлар! Шоирлар — кўнгиллар кўшкининг боғбонлари. Шоирлар — аламу армон, қувончу соғинчнинг соҳиблари.

Яхши шоир — оҳанглар оламидан, сўзлар сабосидан, соғинч садосидан, ҳижрон хитобидан сармаст одам! У ўзини изтиробдан қидиради. Бу бир изтиробки, тошни товлантиради, сўзни оловлантиради, кўнгилнинг энг тубини кўзсиз кўради. У одамни Аллоҳга яқин қилади. Бежизга улуғларимиз ҳақиқий шоирларни авлиёларга менгзамайдилар.

Аммо холва деган билан оғиз чучийвермайди. Ҳар бир касбу корнинг ўз завқи, ўз шону шуҳрати билан бирга ўзгалар англолмайдиган заҳмату машаққатлари бор. Шоирлик азобидан озор топганлар бу оромсиз машғулотни ўз яқинларига раво кўрмайдилар. Чунки, сўздан олов ёқмоқ, сўздан гулдаста ясамоқ, сўзнинг изтироб дарёсида оқмоқ ҳар бир қалам тутганга насиб этавермайди. Элга сўз айтмоқ — бу элнинг элагидан ўтмоқдир. Элнинг ҳурматини талаб қилиб олиб бўлмайди. Эл умри узун, маъносида мадор, оҳангида ором, хитобида ҳикмат бор сўзларни қадрлайди. Бундай сўз эгалари шу эл яшагунга қадар яшайдилар.

Шукрким, биз ҳикматгўй халқ, маърифатли миллатмиз. Дунё илм аҳли, дунё қалам аҳли биздан кўп ва хўб ўрганган.

Ҳар бир миллатнинг ҳам Навоийси, шоҳ ва шоир ҳазрати Бобури йўқ. Яна не-не номларни келтириш мумкин. Улуғларнинг табаррук номлари ўқувчиларимизга биздан ҳам кўра кўпроқ аён.

Халқимизда шундай қутлуғ ибора бор: Олманинг тагига олма тўкилади. Олтин конидан олтин чиқади. Шу маънода бугунги ўзбек адабиёти бешигини тебратаётган улуғ устозу олимлар изидан келаётган ўнлаб ёшларимизнинг борлиги қувонарли. Энг муҳими, уларнинг истиқболи учун муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида улкан эзгу ишлар қилинмоқда. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида «Ижод» фондиди ташкил этилиши, ҳар йили фонд маблағи ҳисобидан кўплаб ёш истеъдодларнинг илк китоблари минг-минглаб нусхада чоп этилаётгани фикримизнинг далилидир.

Шундай беназир истеъдод эгалари сафида Тошкент вилояти ёшларининг борлиги бизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайди. Аввало Тошкент вилояти ҳақида гапирганда муҳтарам Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг вилоятимизга берган қуйидаги таърифу тавсифини келтириб ўтиш жоиз. Чунки бундай таъриф кишига мислсиз ҳузур бағишлайди.

«Бу бетакрор заминда уч фаслни — қиш, баҳор ва ёз манзараларини бир вақтда учратиш мумкин десак, асло муболаға бўлмайди. Бекобод, Чиноз боғларида чиллаки чумак урганида, Бўстонлиқ, Паркент тоғ ёнбағирларида бодом эндигина гулга киради. Оҳангароннинг лалми ерларида ғалла ўрими бошланганида, Бўка ва Пискент туманларидаги деҳқонлар буғдойни ўриб-янчиб, омборга жойлаётган бўладилар...»

Юртбошимизнинг яна бир таърифини келтирсак, вилоят ҳақидаги тасаввур бундан-да ойдинлашади: «Тошкент вилояти — Ўзбекистоннинг марказий вилояти, у ўзининг салоҳияти билан бошқаларга ўрнак бўлишни ўз зиммасига олишга қодир вилоятдир...»

Ана шу қодир вилоятнинг қодир куйчиси бўлиш ҳам бахт. Биз «Ёшлик баҳорининг бойчечаклари» деб номланган ушбу тўпламга шеърлари, ҳикоялари, эртаклари ҳали деярли китоб холида чоп этилмаган вилоятимиз ёш ижодкорларининг асарларидан олинган намуналарни жамладик. Бу ижодий гулдаста эртанги ўзбек адабиётида ўз ўрнини қидираётган ёшларимиз бўй-бастини сизга кўрсатади деб умид қиламиз. Уларнинг ҳар бирининг ўз нури, ўз орзу йўллари, ўз овозлари бор. Муҳими ортиқча ҳою ҳавас, сохта ғурурдан йироқ бўлиб,

ижодкор масъулияти, замон нафасини ҳис қилиб, тинимсиз изланишдан толмаслик.

Зеро, ўтган 22 йилда Ўзбекистон давлати, ўзбек халқи бутун дунёга Юртбошимиз раҳнамолигида ўз қудратини намоён қила олди. Бу заҳматкаш, ҳикматгўй халққа охорли сўзлар, товлангучи ташбеҳлар, эзгуликка эш асарлар ярашади. Вилоятимиз ёш ижодкорлари эса буни унутмайдилар деб ўйлаймиз.

Сўзимизни мухтасар қилиб айтсак, ушбу мўъжаз тўплам сизни бефарқ қолдирмайди деган умиддамиз. Айти пайтда, ушбу тўпламни чоп этишда чин дилдан хайрихоҳлик кўрсатиб, моддий қўллаб-қувватлаган Тошкент вилояти ҳокими Аҳмаджон Усмоновга ёшларимизнинг самимий миннатдорчилигини билдирамиз. Баҳор бойчечагидек беғубор орзу ҳаваслари жўшиб турган вилоятимиз ёш ижодкорларининг ушбу китоби барчамизга муборак бўлсин!

**Маҳмуд ТОИР,**  
*Ўзбекистон Халқ шоири*



## НИҲОЛА ХАЛИЛОВА

*1995 йил 17 июнда Бўка туманида туғилган. Ҳозирда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети қошидаги 2-сон академик лицейининг II-босқич талабаси.*

### ВАТАН

Асролсайдим хазонлардан кузингни,  
Кўзга сурай берган нон-у тузингни.  
Сўлим баҳорингда кўрганмисан айт,  
Ёмғирларда қолиб кетган қизингни?

Кўнгил изҳоримни қандайин атай,  
Жонимни гул қилиб чакканга қдай.  
Юртим ҳаётимнинг ҳар бир лаҳзасин,  
Сенинг шу азиз номинг-ла атай.

Қизингдан ҳафсаланг қолмасин совиб,  
Ранжимагин, ғаму андуҳга тўлиб.  
Кучоғингда хўп мақтовлар эшитдим,  
Мадҳинг куйлолсайдим фарзандинг бўлиб.

Ўзимга кўклардан тахтлар қурибман,  
Оппоқ булутлардан бахтлар қурибман.  
Оқибат, улғайиб ўзимни таниб,  
Ватан, пойингда тиз чўкиб турибман.

Менга сен кераксан, осмон керакмас,  
Менга сендан ўзга макон керакмас.  
Сенинг камолингдан жўшиб кетмаган,  
Бирор юрак бўлса, асло юракмас.

## СЕВГИ

Севги, шундай ажиб туйғу экансан,  
Хуш бўйинг биз томон елаверади.  
Гоҳ чиройли гулсан, гоҳо тикансан,  
Сен ҳақингда ёзгим келаверади.

Титроқла исмингни шивирлар лаблар,  
Бу ҳол мажруҳ дилни тилаверади.  
Йўқ жойдан мен топиб турли сабаблар,  
Сен ҳақингда ёзгим келаверади.

Бу истак ишқида ёниб кетяпман,  
Дил бир сени орзу қилаверади.  
Ўзим-ку шам каби эриб битяпман,  
Сен ҳақингда ёзгим келаверади.

Шаббода ифоринг тортқилаб елар,  
Мен ғарибга шу ҳам бўлаверади.  
Юрагим изҳорин айтмоқчи бўлар,  
Сен ҳақингда ёзгим келаверади.

Севги, шундай ажиб туйғу экансан,  
Сен ҳақингда ёзгим келаверади.

## ЁШЛИК

Уйқуни йўлатмай қўйди кўзларга,  
Ажин сўқмоқларин солиб юзларга,  
Қаранг, ҳатто хайр демай бизларга,  
Дил риштасин узиб кетмоқда ёшлик,  
Лаҳза сайин ўтиб кетмоқда, ёшлик.

Кўнгилга қарамай кетаверар жим,  
Ҳамроҳ бўлиб унга менинг илк севгим.  
Ўзи билан олиб оромим, тинчим,

Дил риштасин узиб кетмоқда ёшлик,  
Лаҳза сайин ўтиб кетмоқда, ёшлик.

Кўздаги ғуборсиз ёнишларини,  
Шўхлик қилиб тагин тонишларини,  
Яшириб қайгадир хонишларини,  
Дил риштасин узиб кетмоқда ёшлик,  
Лаҳза сайин ўтиб кетмоқда, ёшлик.

Ўйинқароқ йиллар энди хотира,  
Минг чорла, болалик қайтмайди сира.  
Ботиний ҳисларни қилиб захира,  
Дил риштасин узиб кетмоқда ёшлик,  
Лаҳза сайин ўтиб кетмоқда, ёшлик.

Ортидан мен маъюс боқиб қоламан,  
Қалбни айрилиқдан ёқиб қоламан,  
Кўксимга номини тақиб қоламан,  
Дил риштасин узиб кетмоқда ёшлик,  
Лаҳза сайин ўтиб кетмоқда, ёшлик.







## НАИМА АБДУРАҲМОНОВА

*Паркент туманида туғилган.  
2010 йили Дўрмон ижод уйида  
бўлиб ўтган Республика ёш  
ижодкорларининг «Истеъдод  
мактаби» семинари иштирокчиси.*

### ИСТИҚЛОЛ

Нима бор дунёда эрқдан ширинроқ,  
Нима бор дунёда озодликдек хуш?!  
Тоғдек гуруримиз қилганча байроқ,  
Яшаймиз гўёки кўраётгандек туш.

Бобомдек жафокаш, буғдойранг ернинг  
Қирлари самога туташиб кетар.  
Эзгу ниятлари беадоғ элнинг,  
Ризқини лайлақлар улашиб кетар.

Бу юртни ҳар тонгда эркалар қуёш,  
Меҳрдан дарс берар лолаларига.  
Бугун аҳли дунё эгмоқдадир бош,  
Афросиёбнинг болаларига.

Қайта туғилгандек уйғоқ Туркистон,  
Чўлпон, Қодирийлар юргандек хушнуд.  
Ҳар бир саҳифаси энг нодир дoston,  
Кеча ҳам, бугун ҳам бўлмайдди унут.

Ватанга қайтпти Усмон Носирлар,  
Осмонин ёритиб турибди Фитрат.  
Жафокаш, фидойи, тенгсиз ботирлар,  
Овози тошларни ёргувчи қудрат.

Етти иқлимларни этганича лол,  
Алпомишнинг Фирот отида,  
Турон заминини бугун истиқлол,  
Кўтариб юрибди нурқанотида.

Тупроғидан келар тириклик иси,  
Сенга бўлсин Ватан, шараф ила шон,  
Қалбларда жўш урар яшамоқ ҳисси,  
Бу обод гўшада азиздир инсон!

### ҚАСАМЁД

Биз ўзбек ёшлари, сўз наққошлари,  
Бу қадим Туроннинг тиллақошлари,  
Гоҳида тинч дарё, гоҳ бебошлари  
Ҳатто майсангга ҳам титроқ бўламиз.  
Ватан, биз Тўмарис, Широқ бўламиз!

Гул каби ярашиб кўчаларингга,  
Шабнамдек қўнамиз гунчаларингга,  
Биз қуёш бўламиз кечаларингга  
Истасанг Алпомиш бахши бўламиз.  
Ватан, осмонингни нақши бўламиз.

Шу элга ўзимиз бекмиз, бекамиз,  
Темурдек енгилмас кучга эгамиз,  
Дилларни дилларга бериб, биргамиз  
Ватан, сенга дўст-у ошно бўламиз.  
Эрқдан кўйлак кийган подшо бўламиз.

Тўрт фаслинг ҳам гулзор, бойчечак фасли,  
Тўрт фаслинг ҳам Ватан бизники асли,  
Баркамол авлоднинг баркамол насли  
Тоғларни йиқитар билак бўламиз!  
**ВАТАН!**  
Ватан дея урган юрак бўламиз!

## ИҚРОР

Дунё нима ахир, мен ўзим дунё,  
Қора туннинг тонгдаги туши?  
Кемириб кўнгилнинг рўёларини,  
Синиб қолди бугун соғинчнинг тиши.

Мен ҳали ҳеч кимса айтмаган қўшиқ,  
Юрагимга армон сувратин чизар.  
Нафосат ҳисларин англовчи холис,  
Чиройли бўларкан йиғлоқи қизлар.

## ФУРСАТ

Фурсат билан югураман тенг,  
Қиличботирларни кута олмайман.  
Тоғларнинг бошини силкитаётган  
Отам қўлларидан тута олмайман.

Фурсат билан югураман тенг,  
Атрофимда мудом чиқ-чиқлар.  
Бўронларнинг пўлат қўллари  
Йўлларимни қиймалаб қирқар.

Фурсат билан югураман тенг,  
Пушти тулпорларда ўйнайман пойга.  
Яшил дунёларни ухлатиб қўйиб,  
Эртак айтиб бераман ойга.

Фурсат билан югураман тенг,  
Оёғимда ўрмалайди шахд.  
Улгураман минг йил яшашга,  
Тошбақага айланади вақт.



## ДИЛФУЗА ЗАЙНИДДИНОВА

*1996 йил 31 декабрда Бука туманида туғилган. Бука маъший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи 3-босқич талабаси.*

*Дилфузанинг «Баҳор тонглари» номли шеърий китоби нашр этилган. У ҳозирда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши фаоли.*

### ВАТАН

Файз ва барокотга тўла нурга макон диёрдир бу,  
Ўзи ерда бўлса ҳам лек, кўкси осмон диёрдир бу.  
Мингдан бири очилмаган сирларга кон диёрдир бу,  
Ўқиб, уқиб синоатинг, дилда розинг бўлай Ватан.

Таърифингни ўзга юртга ёзу қишлар элтадими,  
Ё қадрдон дўстларинг, шамол, қушлар элтадими.  
Мўъжизалар мамлакати – ширин тушлар элтадими,  
Узоқ-яқин меҳмонларга поёндозинг бўлай Ватан.

Куёш сенга ошиқ бўлиб, доим бошингда порлайди,  
Асрларга тенг шаҳарлар гўзал боғига чорлайди.  
Бағринг тўла буюкларинг, қалбим ифтихор айлайди,  
Мадҳинг мудом куйлагувчи хушовозинг бўлай Ватан.

Самарқанд-у Бухоролар ажиб савлат тўкиб турар,  
Қучоғингда ҳамма бахтли яшар, давру даврон сурар.  
Ҳар бир фарзандинг кўксида ватанпарвар юрак урар,  
Довруғинг дунёга ёйиб, сарафрозинг бўлай Ватан.

Кечир мени, агар ўтмиш тарихингни билолмасам,  
Доим хизматингга тайёр, содиқ фарзанд бўлолмасам.

Сенинг бағрингга бош қўйиб, сенга сажда қилолмасам,  
Сажда қилгувчиларингга жойнамозинг бўлай Ватан.

Тарифингни шоирларинг шеърга солди, дoston бўлди,  
Ўқиган дил қувончидан мисли боғу бўстон бўлди.  
Жаҳон ичра ном қозонган буюк Ўзбекистон бўлди,  
Оқ кабутардек учолган парвозингни куйлай Ватан!

### ҚАЛДИРҒОЧ

Оҳ, севимли қушим келдингми қайтиб,  
Кетиб оромимни олган қалдирғоч.  
Салом жаннатим деб, алёрлар айтиб,  
Қадрдоним бўлиб қолган қалдирғоч.

Дарёю, денгизлар ошиб келасан,  
Мана шу диёрга шошиб келасан.  
Ич-ичингга сиғмай, тошиб келасан,  
Меҳрдан андоза олган қалдирғоч.

Тиниб-тинчимасим, қалби оқ қушим,  
Парвозингга боғлаб олдинг-ку хушим.  
Сенсиз энди қандай ўтаркан қишим,  
Қадрдоним бўлиб қолган қалдирғоч.

Кўкдаги булутлар болишингмасми,  
Оналар алласи нолишингмасми,  
Шу юрт мадҳин куйлаб, ёнишингмасми?  
Қалбга ватан сўзин солган қалдирғоч.

Илтижолар қилай, сен учиб кетма,  
Хонадонимизни асло тарк этма.  
Агар кетар бўлсанг яна кел қайтиб,  
Салом жаннатим деб алёрлар айтиб.

Меҳрдан андоза олган қалдирғоч,  
Қалбга Ватан меҳрин солган қалдирғоч.

## ЎЗИЛМАГАН ШЕЪР

Мен такрор эмасман, мен ҳам янгиман,  
Ҳар ерда, ҳар жойда ўз овозим бор.  
Мен ҳам бу ҳаётнинг битта рангиман,  
Юрагим, тилагим, дилда розим бор.

Мен ҳам кимларгадир керакман албат,  
Қаерлардадир бор тингловчим, дустим.  
Кимнингдир қалбига солиб муҳаббат,  
Кимнидир кутаман ҳаяжонда, жим.

Шоирнинг қалбидан эгаллаб ўрин,  
Гоҳи шоҳ этаман, гоҳида гадо.  
Ташлаб боши узра бедорлик тўрин,  
Гоҳ хушнуд этаман, гоҳида адо.

Оқ қоғоз юзини айлабон қора,  
Бўлгум Мажнунларнинг ошно, ўртоғи.  
Ижод столингдан ўрин оламан,  
Бамисли шабнамдек айни тонг чоғи.

Сени юксакларга кутараман — дер,  
Ичимда йўқ асло гина, кудратим.  
Ҳар тун минг азобга ташлайди мени,  
Ҳали ёзилмаган, қайноқ шеърларим.

## ИШОНЧ

Ҳар тонг деразамнинг пардасин очиб,  
Атрофга шукрла ташлайман назар.  
Яна бир тарихда қолгувчи кунни,  
Ўтказиб юбормай дейман бесамар.

Бу кун бор сирларин ичига ютиб,  
Мендан эзгу ишлар кутади очун.  
Бугун ҳам нимадир қилмоғим лозим,  
Ватан мендан рози бўлмоғи учун.

Балки иморатлар қура олмасман,  
Бўйлари осмонга тутшиб кетган.  
Балки буюк инсон бўла олмасман,  
Навоийдек донғи дунёга етган.

Хатто Тўмарисдек жанглар қилмайман,  
Бугун юртимиз тинч, беадад шукр.  
Бобурдек дарбадар бағрим эзмайман,  
Хаёлимга келмас тузукроқ фикр.

Баъзан исмим ёзиб қоя тошларга,  
Бир умр тарихда қолсамми дейман.  
Зўр ўрناق кўрсатиб барча ёшларга,  
Шу Ватан ошиғи бўлсамми дейман.

Қанча ўйламайин бари бесамар,  
Тушкунлик домига тортар аёвсиз.  
Бағримни қиймалар аччиқ изтироб,  
Наҳотки кетаман дунёдан беиз?

Шу чоғ кимдир менинг елкамдан қучиб,  
Аста шивирлади: Ўзинга ишон.  
Гапирган ким дея ортимга боқсам,  
Менга боқиб турар кенг Ўзбекистон.

Зимдан назар солсам қайноқ бағрига,  
Таралиб турмоқда меҳрнинг нури.  
Келажак овози – ёшлар парвози,  
Унинг энг суянган тоғи, ғурури.

Шунда бош кўтарди қалбим тубида,  
Мудраб қолган ишонч, орзу, тилагим.  
Бугун мен кўп ишга қодир турибман,  
Бугун танимдан-да катта юрагим.

Энди ишонаман Дилфуза бўлиб,  
Лол қолдира олгум бутун жаҳонни.  
Сира хафа қилмам бағрига босиб,  
Менга йўл кўрсатган Ўзбекистонни!



## НАЗОКАТ ЭРКИНОВА

*1997 йилда Паркент туманида туғилган. 2004–2013 йилларда Паркент туманидаги 43-умумий ўрта таълим мактабида таҳсил олган. Ҳозирда Паркент туманидаги Педагогика ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи талабаси.*

*Назокат болалик чоғиданоқ шеърлар ёза бошлаган. Туманда фаолият олиб бораётган «Нафосат» тўғараги аъзоси.*

### ОҚШОМ ХАЁЛИ

Тундан тонгни сўроқлаб,  
Куюш кетди йироқлаб.

Қандайдир, қайноқ-қийноқ  
Юракка солди титроқ.

Кўнглимни кўкка илиб,  
Ёмғирларга кўшилиб,

Шамол каби учсайдим,  
Чаманларни қучсайдим.

Синглим бўлса бойчечак  
Япроқлари ой чечак.

Ҳар кун уни эрталаб  
Уйғотсайдим эркалаб.

Шўхлик қилиб мен пича,  
Хаёлимда ҳар кеча.

Парвозга шайланаман,  
Орзуга айланаман.



## ҲАЙРАТ

Чечак ниҳол бўлар, ниҳоллар чинор,  
Жилға умрин денгизларга улайди.  
Азизим, бу юртда фақат баҳормас,  
Оппоқ бўлиб ҳатто қорлар гуллайди.

Қуёшни олқишлар эрка қушлари  
Қанотлари маҳкам боғланган эрка.  
Сира тиним билмас қалдирғочлари  
Меҳрими, сеҳрими ўхшар ўзбекка.

Ҳар тонг яратганга шукрона айтиб,  
Ич-ичимдан бу кун олаяпман тан.  
Энг ажиб тухфа-ю, энг олий неъмат,  
Оллоҳ насиб этган шу азиз Ватан.


## ҚИЗЛАР

Баҳоройнинг энг нафис гули,  
Бойчечакка ўхшайди қизлар.  
Бир хонадон файзи ҳам нури,  
Йўлга райҳон тўшайди қизлар.

Ёниб турар доим кўзлари,  
Гоҳ шарқироқ шўх сойдир улар.  
Оққуш каби нозик ўзлари,  
Осмондаги ҳур ойдир улар.

Киприклари саф тортган ҳаё,  
Нигоҳида яшайди тилсим.  
Ҳуснидан маст бўлади дунё,  
Нор йигитлар бўлади таслим.

Ярашади нози ўзига,  
Йигитларнинг аҳдидир қизлар.  
Ибо ярашади сўзига,  
Шу ватаннинг бахтидир қизлар.



## ЁШЛИК

Ойдин оқшом чўкди, жим-жит коинот,  
Бир майин шаббода урилар юзга.  
Самода юлдузлар чиқариб қанот,  
Ял-ял ёниб ҳамроҳ бўлади бизга.

Кетмоқдамиз ойдин оқшом қўнида  
Кетмоқдамиз кўм-кўк далалар томон.  
Бир зум ўйга толдим сойнинг бўйида,  
Тўлқинлар шошмоқда қайгадир ҳамон.

Муаззам оқшомга бўлиб маҳлиё,  
Чувалашиб кетди ўйларнинг бари.  
Ёшлик, сен Тангрининг бизларга берган  
Энг инжа, энг гўзал, тотли асари.





## БЕКЗОД ОЗОД

*1991 йилда Бўстонлиқ туманидаги Хумсон қишлоғида туғилган. Тошкент Давлат Техника Университети қошидаги 3-сонли академик лицейида таҳсил олган.*

*Ҳозирда Бўстонлиқ тумани 19-умумтаълим мактабида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси.*

## МАНЗАРА

Кўк юзини тўсди булутлар  
Куёшини йўргаклар осмон.  
Шамолларни дарахтлар қутлар,  
Қарсақ чалар мудраган ўрмон.

Аста-секин сўкилди парда,  
Чокларидан сизиб утар сув.  
Фалак бирдан қилганда зарда,  
Ер юзини қоплади қўрқув.

Узоқларда «ялт» этган чироқ,  
Ваҳм солар қирда сойларга.  
Қизғалдоққа бурканган ўтлоқ,  
Ботиб борар қора лойларга.

...Чор-атрофни қоронғу қоплар,  
Олапар ҳам тортади сергак.  
Юлдузларни самолар элар,  
Ором олар момагулдирак.

## ХУМСОНИМ

Хумсон тоғларидан шабода эсиб,  
Танамни яйратар ҳар лаҳза, ҳар он.  
Кўксимда бир ажиб туйғулар жўшиб,  
Қорли чўққиларга қўяди нарвон.

Келинчак мисоли булутлар оппоқ,  
Ҳилпирар гўёки қуёш рўмоли.  
Чўққидан жилмайиб боқади узоқ,  
Юртим жамолининг эккан ниҳоли.

Шаршара ирмоғи – сулув кокил қиз,  
Юракни жўшитиб чорлар сойига.  
Тип-тиниқ сувларнинг бўйлари ялпиз,  
Кўм-кўк майсаларни тўшар пойига.

Куйчи кўнгил каби тошқиндир ҳар дам,  
Ҳарсанг тошларга ҳам бермайди тиним.  
Ҳаётдан завқланиб яшар бардавом,  
Жаннатдан бир чимдим – она Хумсоним.

## ЧОРЛОВ

Олис-олисларда қолсам сал кўпроқ,  
Ватан остонада пойлайди мени.  
Онамга айланган муаззам тупроқ,  
Саъдарайҳонлари чорлайди мени.

Саман от устида Алп Соҳибқирон,  
Гўрўғли, Алпомиш юрт учун қалқон.  
Темур Малик мангу эл ичра дoston,  
Марду майдонлари чорлайди мени.

Қизлари мисли гул, ҳаё тимсоли,  
Эгнида атлас-у бошда рўмоли.

Асли миллатимнинг гўзал жамоли —  
Қоши камонлари чорлайди мени.

Нон узиб тандирдан хормасин нонвой,  
Деҳқон омон бўлсин, мўл бўлсин бугдой.  
Дастурхони тула патир-у ширмой,  
Кўнгли осмонлари чорлайди мени.

Истиқлол байроғи ҳилпирар ҳар он,  
Шу байроқ остида бир тан-у, бир жон.  
Нурли манзил томон бошлаган сарбон,  
Ҳурлик қарвонлари чорлайди мени.

Олис-олисларда қолсам сал кўпроқ,  
Ватан остонада пойлайди мени.





## СЕВДО ҚОЗОҚБОЕВА

*1997 йилда Паркент тумани,  
Кумушкон қишлоғида туғилган.  
I-Тошкент Педагогика коллежи  
талабаси. Паркент туманидаги  
«Нафосат» тўғараги аъзоси. Унинг  
шеърлари туман, вилоят газета ва  
журналларида чоп этилган.*

### ИСТАК

Кўкни қучгим келар баъзида  
Булутлардек сузгим келади.  
Тун аталмиш само базмида  
Юлдузларни узгим келади.

Хаёлларнинг боғида яна  
Хаёлларга чўмгим келади.  
Бебош кўнглим салтанатини  
Орзуларга кўмгим келади.

Ҳар куни мен ойнанинг нурида  
Эрта учун тўплагайман шахд.  
Мени дадил мақсад тоғига  
Етаклагай бугун буюк аҳд.

### ШЕЪРИМ...

Шеърим...  
Кўнглимнинг бир аҳдчаси,  
Чехрамдаги кулгулар.  
Тилимнинг бол, қандчаси,  
Боғимдаги ҳур гуллар.  
Шеърим...

Кўзимдаги маржон ёш,  
Меҳримнинг бир парчаси.  
Қалбимдаги нур, қуёш,  
Мақсадимнинг ғунчаси.

## ХАЁЛЛАР

Қайга кетди менинг орзуйим,  
Хаёлларим олиб қочдими?  
Пайдо бўлди ёқимли титроқ,  
Беҳишт дарвозасин очдими?

Мен югурдим шамол ортидан,  
Сочларимни тортқилар насим.  
Бебош орзу, беҳудуд ўйлар  
Туйғуларга кўмди мени жим.

Менинг эса «илҳомим» келиб,  
Асирликдан қутқарди яна.  
Орзуйимнинг ортидан елиб,  
Бориб уйга шеър ёздим яна.

## ҚИШЛОҒИМ

Тош кўчам, тошлоқ кўчам  
Осмонлардек юксагим.  
Сойида уюм харсанг,  
Тош эмасдир, юрагим.

Йўлдаги майса ҳатто  
Тиканлар ҳам гулимдир.  
Мадҳини васф этарман,  
Қаламим булбулимдир.

Қуёшини уйғотиб,  
Нурларида яйрайман.

Ота маскан, она ер,  
Хизматингга ярайман.

Соҳир кеча, тонгларинг  
Менинг кунглим каби оқ.  
Гулла, яшна, бул обод,  
Менга туйғудош қишлоқ.

### ВАҚТ

Болалигим билан панада  
Бекинмачоқ ўйнар эди вақт.  
Тутай десам шошар янада  
Билмам, қандай ўйлар эди вақт.

Менинг эса ташвишим ортар  
Анча шумро-о-оқ экан-ку фурсат.  
Юрагимни ваҳима босар,  
Қайда қолди мендаги журъат?

Ўқиш китобимга ёшим тўкилди  
Менга ўғит бўлиб қолди, вақт.  
Афсус бекор, энди кеч бўлди,  
Болалигим тортиб олди, вақт.







## ФИРУЗА ХАЙРУЛЛАЕВА

*1992 йил 14 январда Бухоро вилоятида туғилган. Айти пайтда «Чирчиқ тонги» газетасида ишлайди.*

### МЕНЧАЛИКМАС

Асрардингиз мени қийноқ, азоблардан,  
Қизгондингиз ҳатто ою офтоблардан.  
Энди дарак йўқ негадир жавоблардан,  
Нечун ёрим, меҳрингиз ҳам унчаликмас.  
Тош остида эзилган гул менчаликмас.

Бир гул қалбин изтиробин сезганмисиз,  
Ё соғинчининг ришталарин узганмисиз?  
Ҳижрон билан ё битимлар тузганмисиз,  
Лайли каби севгига қул менчаликмас,  
Тош остида эзилган гул менчаликмас.

Қалбимизни кўмиб қўйиб тупроқларга,  
Кетдингиз ёр солиб ранж-у қийноқларга.  
Кўзим йиғлар хазон бўлган ёноқларга  
Кўп йиғладим, ёмғирлар ҳам бунчаликмас,  
Тош остида эзилган гул менчаликмас.

Дардли кунлар сўқмоғида қоқилдим мен,  
Жабрингизда шам мисоли ёқилдим мен,  
Юлдуз эдим, бир чақиндай чақилдим мен,  
Шамолларда тўзғиган қул менчаликмас,  
Тош остида эзилган гул менчаликмас.

Яшин урган лола каби мадорсизман,  
Чаман қалбим исёнида ифорсизман.  
Сиз-ла қалбим яшар, аммо дийдорсизман,  
Зулмат йилим ҳаттоки бир кунчаликмас,  
Тош остида эзилган гул менчаликмас.

### **БАЪЗАН**

Аламлардан қочолмайин,  
Гоҳо сизни ёд айладим.  
Бахтга дилим очолмайин,  
Ғам-ла дилим шод айладим.

Қисматимми, шунча аччиқ,  
Ғам кўнглимнинг шодлигимми?  
Дилимдаги битта санчиқ,  
Қалбим сизга ёдлигимми?

Кўзларимга уйқу бермас,  
Қайғудан ёш илингандир.  
Йиғлаётган орзу эмас,  
Бахтнинг қадри билингандир.

Бахтлироқман кенг жаҳонда,  
Лекин бир оз сизмаяпман.  
Яшаяпман зўр замонда,  
Сизсиз баъзан йиғлаяпман.

### **КУЗ ДАРАГИ**

Анорларнинг гули тўкилмай туриб,  
Ҳазонлар лашкари солмоқда шовқин.  
Ўтар ҳар ойнани шамоллар уриб,  
Ва яна кўкламни қилмоқда қувғин.

Қовжираган дарахт, сарғайган осмон,  
Менинг юрагимга таниш ҳаммаси.  
Зилол сувлар юзин қоплайди хазон,  
Бунча карнай экан куз иштаҳаси.





## МАФТУНА НАЗАРОВА

*1993 йил Паркент туманида туғилган. Паркент Агросаноат касб-ҳунар коллежида ўқиган. 2012 йил Тошкент Архитектура қурилиш институтига имтиёзли қабул қилинди. Айни пайтда мазкур институтнинг «Камолот» радиосида бошловчи вазифасида фаолият юритмоқда. 2011 йил унинг «Гулгун тилаклар» номли шеърий тўплами нашрдан чиққан.*

## ЮРТИМ

Осмони мусаффо, замини чаман,  
Боғлари беҳиштга ўхшаган диёр.  
Борми сендай улка, сендайин Ватан,  
Замони фаровон, халқи бахтиёр?

Хуррият қуёшинг қалбларда мангу,  
Келажак кунларга у сочар нурин.  
Боболар туну кун чекишиб қайғу,  
Бу озод кунларга берган қалб қурин.

Юртим, истиқлолинг ҳар битта кuni  
Юксак эъзозга тенг, шон-шарафга тенг.  
Қайта такрорлайман қалбимда шуни:  
Энг улуғ, энг буюк, энг мўътабар сен.

## БАХТИЁР КУНЛАР

Беҳуда кун ўтди дея куюнма,  
Ҳалеб хафа юрма, ҳалеб сен дилхун.  
Келиши туюлса ҳамки қийиндай,  
Бахтиёр кунлар ҳам келади бир кун.

Оқшом ўтиб яна бошланар наҳор,  
Кеча кузак эди, бугун боқ, баҳор.  
Сен соғиниб кутган, сен кутган бедор,  
Бахтиёр кунлар ҳам келади бир кун.

Сен доим дуога қўл оч, биродар.  
Дуо ярим ижобатга баробар.  
Бошинг кўп томонга урма саросар,  
Бахтиёр кунлар ҳам келади бир кун.

### **ДЎСТИНГ БЎЛСИН**

Беайб парвардигор дерлар,  
Майли, каму кўстинг бўлсин.  
Ҳар қандай кун бордир бошда,  
Бу дунёда дўстинг бўлсин.

Ёлғиз юрма ёнга қараб,  
Ёлғизга бўш ҳамма тараф.  
Ўткинчидир амал, мансаб,  
Бу дунёда дўстинг бўлсин.

Ғамда бағринг тилинади,  
Дўстинг малҳам илинади.  
Дард ўртадан бўлинади,  
Бу дунёда дўстинг бўлсин.

### **ШЕЪРНИНГ ТУҒИЛИШИ**

Гўё булбул кўнглимга,  
Кўниб олган, сайрайди.  
Хонишига сатрлар,  
Кокилларин тарайди.

Нурга йўғрилади, шеър,  
Шундан туғилади шеър.  
Қўлга тутди қалам,  
Туйғу зимдан ёзгин дер.

Шоир ўз юрагини,  
Ўзи ўтга қалайди.  
Оловдан яралар шеър,  
Шундай туғилади шеър,





## КУМУШ АБДУСАЛОМОВА

*1996 йилда Қуйи Чирчиқ туманидаги Юлдуз қишлоғида туғилган. «Мунис тонглар», «Қуёш меҳри» номли шеърлар тўпламлари чоп этилган. ЎзМУ қошидаги С.Сирожиддинов номли академик лицей ўқувчиси.*

### ВАТАНГА ХАТ

Ватан, кузатгансан болалигимни,  
Отам елкасида олиб юрганин.  
Билганимда ҳечам чиқмасдим ишон,  
Бу елка тоғларни тутиб турганин.

Ватан, афу этсанг яхши бўларди,  
Улғайишим кутиб ичикди онам.  
Ўттизта қора кўз кутиб турганда,  
Мени деб мактабга кечикди онам.

Юрсам йўлларига меҳри поёндоз,  
У борки беш ёшда савод чиқардим.  
Ўн олтига кириб, унинг сўзига,  
Қара, кирмайдиган одат чиқардим.

Омадимга омад тилаганим йўқ,  
Нималарни кўзлаб юрибди кўзлар.  
Отамнинг терини аритган шийпон,  
Мен учун оламда энг баланд минбар.

Номингни айтишга ҳаққим йўқдайин,  
Сени сен қилгунча қафаслар синди.

Эркни ҳаммадан кўп севган халқингга,  
Соябон керакмас, ёмғирлар тинди.

Узр... мадҳингга шеър бита олмадим,  
Шунчаки шеър битиш... ва бари тамом.  
Ногоҳ қўлларимни тутар тушимда,  
Урушда оёгин йўқотган бобом.

## ХАЛҚОНА

Торданам тор кўчага,  
Туйгулар хор кўчага,  
Мени билганлар яна,  
Билмаслар бор кўчага.  
Гийбатлар қурди уя.

Ечилмайди, тугунми,  
Ишқ олов, ғам, кукунми?  
Бир қизни бахтсиз қилган,  
Гийбатларнинг юкини,  
Кўтаролмас қирқ туя.

Суст хотин-ей, суст хотин,  
Менсимай ёмғир тотин,  
Қара, ёмғир ўрнига,  
Кўз ёш тилар юз хотин,  
Йиқилганларни суя.

Қиз юлдузмас, ой эди,  
Йигит ботир, бой эди.  
Иккисининг бахтини,  
Муҳаббатини еди,  
Сандиқдан чиққан куя.

Боқишиб пардозига,  
Фалончининг қизига.  
Бир гап бўлган дейишди,



Соф севгининг юзига,  
Суркашиб қора куя.

Қарға экан қақимчи,  
Чумчуқ қурғур чақимчи.  
Кўнгли оқ, соғ отани,  
Тутди юрак хуружи,  
Бўхтон гап дардга доя.

Кимлар кийди қоралар.  
Пок дилларда яралар.  
Оқ кафанга ўралган,  
Ота қалбни поралар,  
Нурларни енгди соя.

Суист хотин-ей, суист хотин,  
Бу баҳормас, куз хотин.  
Далага ғийбат экиб,  
Гуноҳ ўрар юз хотин.

Суист хотин-ей, суист хотин,  
Ақлу ҳуши буст хотин,  
Шу юзга хотин билан  
Алоқангни уз хотин.

\* \* \*

Осмонга ҳам чиқиб олди,  
Пулларининг кучи билан.  
Ерликларни кўрсатди сўнг,  
Оёғининг учи билан.

Қилган барча юмушлари,  
Қилинди қўл учи билан.  
Ўлгач...яхши инсон эди,  
Дедилар тил учи билан.

Ер — чит, осмон — духоба,  
Кўрпага ўхшар умр.  
Шу кўрпада яшаб ҳам,  
Қара, совқотдим дир-дир.

Эгатлардан айланай,  
Эгатмас мен айтганим.  
Сен қўйган пахталарда,  
Яшаяпман, эй ғаним!

### БОЛАЛИҚДАН ХОТИРА

Кун келиб ўтаркан ҳатто болалик,  
Вақт — гўрков, юрак-чи мозор, онажон.  
Эсимда турибди эртақларингиз,  
Меҳрдан бошқаси бозор, онажон.

Совуқ. Қиш...оппоқ шарф ўраб бўйнимга,  
Жуда қўрқардингиз шамоллашимдан.  
Улғайиш... тикилиб етган бўйимга,  
Кўряпсиз юракни аллалашимдан.

Кўрқманг, ёмонларга тушмайди ишим,  
Кўкка совурмайман ушбу дамларни,  
Отам айтганидай, юртим демаса,  
Одам санамайман бу одамларни.

Дунё ҳайратидан ёқа ушлайди,  
Кўриб икки дарё ёқаларини.  
Бағрида юриб ҳам уни билмаслар.  
Йиртишиб йиғласин ёқаларини.

Бахтга содиқликни кўрсатиб қўйиб,  
Ғамнинг бошларини эгиб қўйганман.

Она, шеърларимга сиғдиrolмасдан,  
Ватанни юракка экиб қўйганман.

Бир кун зўр шоира бўласан дебон,  
Маним манзилимни йўлда ҳал қилма.  
Маним бу шеърларим ҳикмат берурми,  
Айтган ҳар бир сўзи ҳикмат халқима.

Ана Ватан дея кўрсатма энди,  
Ўнг томони дебон, деб сўл томони.  
Гербдамас, ундаги ҳар бир одамнинг,  
Қалбида кўрайлик Ўзбекистонни.





## **АСЛИДДИН САБРИДДИНОВ**

*2000 йилда Паркент туманида туғилган. Унинг шеърлари «Тошкент ҳақиқати», «Тонг юлдузи», «Паркент тонги» газеталарида, «Гулхан» журналида чоп этилган.*

*Аслиддин Тошкент вилоятида ташкил этилган «Илк қадам» тўғараги аъзоси.*

### **ОРЗУ**

Шеърият миллатнинг юз-кўзи дерлар,  
Шоир тили — қалам ва сўзи дерлар.  
Буларни тушунмас, юраги кирлар,  
Сизга ўхшаб юрай, Муҳаммад Юсуф.

Гуллаб ётган эди кўксингизда ишқ,  
Бўлдингиз гулга ҳам ўзбекча ошиқ.  
Самимий, жайдари яратиб кўшиқ,  
Сизга ўхшаб юрай, Муҳаммад Юсуф.

Ҳаёт золим ҳамда бешафқат бунча.  
Сизни боғбон десак, биз эдик гунча.  
Шекспир, Есенин каби бўлгунча,  
Сизга ўхшаб юрай, Муҳаммад Юсуф.

### **БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА**

Ариб борар диллардан қайғу,  
Кўнгилларни маст этар кулгу.  
Ҳатто болга айланар оғу,  
Бир пиёла чой устида.

«Муножот»ни этадилар ёд,  
Оҳангида ўзгача баёт.  
Қизгин баҳсдак жонланар ҳаёт,  
Бир пиёла чой устида.

Келар шодлик ўзи ахтариб,  
Ғуборлари кун сайин ариб.  
Нуронийлар борар яшариб,  
Бир пиёла чой устида.

Кўкка бўйлар ўзбек деган бўй,  
Бахт қайда деб сурмайдилар ўй.  
«Тўй яхши» деб бошлаб қўяр тўй,  
Бир пиёла чой устида.

### КЎНГИЛ

Наъматакнинг сержило гули,  
Йўлларимга сочар эди ранг.  
Мен ҳам бўлдим кўнглимнинг қули,  
Ўхшолмадим отамга аттанг.

Боғларида гуллар лолалар,  
Шабнам томар қирмиз юзидан.  
Орзуларим гўё болалар,  
Учиб борар қушлар изидан.

Туйғуларим бирлан елади,  
Адирларда шошқалоқ шамол.  
Муҳаббатнинг иси келади,  
Онам эккан райҳонлар мисол.

## ВАТАН

Сочларига оқ оралаган,  
Ватан — асли нуруний момом.  
Уни кўплар хўп қоралаган,  
Доим чиққан зулмдан омон.

Осмонлари йиғласа гўё,  
Қуёш каби меҳрин бағишлар.  
Пойидадир уни бу дунё,  
Бугун ортда қолди миш-мишлар

Сен Курбонжон Долҳодек одил,  
Келажакка боққин онажон.  
Бугун ўғлинг ҳар нега қодир,  
Юрак сен деб уради ҳар он.

Сен матонат дояси, она,  
Ҳар кунингни ўзи бир дoston.  
Сен дунё-чун ажиб дарсхона,  
Эй Ватаним, ҳур Ўзбекистон.





## ОЙБЕК АКБАРОВ

*1995 йилда Янгийўл тумани,  
Халқобод қўрғонида туғилган.  
Халқободдаги Қишлоқ хўжалиги  
касб-хунар коллежи талабаси.*

### ТУШ

Тушларим таъбири не экан билмам,  
Навобий қўлига қуяр эдим об.  
Гоҳи сархуш бўлиб қадаҳ тўлдириб,  
Умар Ҳайём турар қўлида шароб.

Гоҳ суҳбат қураман Бухорий билан,  
Гоҳо Деҳлавийдан оламан сабоқ.  
Машраб ҳар сўзини байт ила айтар,  
«Қаландар қўлни бер, кетамиз йироқ».

Ҳофиз Шерозийни кўраман баъзан,  
У билан зиёрат этдик минорни.  
Бобур борми дея сўрайди меңдан,  
Аҳсига экилган азим чинорни.

Тушда Саъдий билан кўча кезаман,  
Огаҳий илинар йўғ-у борини.  
Ҳазрат Яссавийдан дуо оламан,  
Лутфий тутқзади ишқ дуторини.

Илкис уйғонаман, атроф сукунат,  
Устозлар кўринди буюк ҳар бири.

Шоир бўлиш керак, шу сўнгги қарор,  
Менимча шу эрур тушим таъбири.

### ЎТИНЧ

Жим. Индама. Бағримга беркин,  
Нозлар қилиб юракни сиқма.  
Қулоғингга шивирлаб секин,  
Чорласам ҳам у ердан чиқма.

Гар истасанг қовоғингни уй,  
Беркин сочинг шалоласига.  
Севгидан сал тўлатиброқ қуй,  
Юрагимнинг пиёласига.

Сени жондан севдим-у лекин,  
Юрак ютиб айтмадим ошкор.  
Кўзларимнинг тубига беркин,  
Ҳеч ким сени топмасин, дилдор.

Телба бўлиб ошиқлар мисол,  
Кўзларимда йилтирар ашким.  
Ўтинаман, тез беркиниб ол,  
Ўзимдан ҳам келмоқда рашким.

### ВАҚТ

Тинмай югуради вақт деган бир от,  
Қадамига ою йилларни боғлаб.  
Шу тулпорга базўр мингашиб ҳаёт,  
Олмиш елкасидан маҳкам қучоқлаб.

Вақт елиб боради ўйноқи елдек,  
Мен унинг танобин тортмоқчи бўлдим.  
Оёқларин боғлаб мисолди зилдек,  
Вақтни юрагимга ортмоқчи бўлдим.



Барчасига кучим етди-ю аммо,  
Уни тутмоқ учун анча йул юрдим.  
Юрагимга бу юк бўлди муаммо,  
Зўрға кўкрагимга қамаб улгурдим.

Ўша кундан буён юрагим тинди,  
Ишонманг кўксимнинг «дук-дук»ларига.  
Дилимнинг энг сўнгги ноласин энди,  
Кўшинг, «Сараҳбори Бузрук»ларига.

Юрагим уришдан тўхтаган толиб,  
Шунчаки ўчмаган номи нишони.  
Шунчаки кўксимда гулдурос солиб,  
Ўтиб бораётир вақтнинг карвони.





## УМРИНИСА МИРЖАЛИЛОВА

*1997 йилда Паркент туманидаги  
Ҳисорак қишлоғида туғилган. Жаҳон  
тиллари университети қошидаги  
3-сонли академик лицей ўқувчиси.*

*Умриниса Паркентдаги «Нафосат» ҳамда вилоят «Илк қадам»  
тўғараги аъзоси. «Орзулар фасли»  
номли шеърый китоби нашрдан  
чиққан.*

### ВАТАН

Ватан — онамнинг иси  
Келиб турган шу тупроқ,  
Бепоён осмонлари  
Орзуларимдек оппоқ.

Ватан — меҳнатқаш отам  
Гулзор қилган дашт эрур.  
Бундай обод гўшада  
Яшамоқлик гашт эрур.

Ватан — азиз оилам,  
Қўргонимдир мустаҳкам.  
Шунинг учун ҳеч кимдан  
Бўлмагайман асло кам.

### КАПАЛАК

Жажжигина капалак,  
Қанотларинг камалак.  
Кўрганлар яйраб кетар,  
Гўё-ки сен ҳур, малак.

Чаман ичра гулимсан,  
Сен беғубор кўнглимсан.  
Гоҳ шаддод, гоҳи нафис,  
Уйинқароқ синглимсан.

Жажжигина капалак,  
Бўлма бунча жонсарак.  
Тўлдир оламини завққа,  
Сен кўш қанот гул юрак.

### ЮРАК

Толем кулмас,  
Кўнглим индамас.  
Ахир мендамас  
Юрагимда айб.

Ўзни унутган,  
Кимнидир кутган?..  
Дардимни ютган  
Юрагимда айб.

Сўздир севганим!  
Кўрқмай деганим.  
Энг катта «ғаним» —  
Юрагимда айб.

Йиғладим, кулдим,  
Энди не қилдим?  
Жуда кеч билдим  
Юрагимда айб.

## БАҲОР

Баҳор – ҳарир кўйлакли,  
Райҳон, бойчечак, ялпиз.  
У – навқирон юракли,  
Оҳумонанд дилбар қиз.

Баҳор – оппоқ орзули,  
Қайноқ туйғулар фасли.  
Юлдуз кўзлар ёғдули,  
Шодон кулгулар фасли.

Баҳор – қирмиз қизғалдоқ,  
Ёноқлари олдир у.  
Шалоладек шарқироқ,  
Раққоса хаёлдир у.

Баҳор – нурдан яралган,  
Ҳуркак атиргулдир у.  
Асли гулдан яралган,  
Бинафша кўнгилдир у.



## БЕҲЗОД БИЙБОЛАЕВ

*1986 йилда Бекобод туманида туғилган. 2009-2013 йилларда Тошкент Молия институтининг «Молия-иқтисод» факультетида таҳсил олган.*



### ЭЙ, ДИЛ!

Кўнгил соҳилига етгунча эй, дил,  
Ҳали кўп юргаймиз, юз йилми, минг йил.

Ҳар бир жафолардан наво олурмиз,  
Қайтган вафолардан сафо олурмиз.

Олис манзил сари шайланажакмиз,  
Парқу булутларга айланажакмиз.

Кимдир босиб ўтган сариқ майсадан,  
Биз даво олурмиз қайта-қайтадан.

Манзилга етмоққа етмаса умр,  
Биздан сўнг шу қалам-қоғоз юргайдир.

Сўзлар кўпайгайдир сўз сарфимиздан,  
Манзил яқинлашгай ҳар ҳарфимиздан.

Ўтинчим. юракни қувватлаб тургил,  
Кўнгил соҳилига етгунча эй, дил!

## АДАБИЁТ

Безор бўлдим бари-баридан,  
Кимдир қолди ортда қоралаб.  
Сўзсотарлар давраларидан,  
Пок дилимни чиқдим яралаб.

Ёнаётган лов-лов юзимга,  
Кўзларимдан ёш уриб келдим.  
Адабиёт, сенинг изминга,  
Юрак ютиб, бош уриб келдим.

Қонаб кетсин яраланган тўш,  
Ва шу оққан қонимга қасам:  
Ишқсизларнинг қаторига кўш —  
Агар сенга хизмат қилмасам.

## ҚЎШНИ ҚИЗЧА

Қўшни қизча, ажойиб қизча,  
Кўйлакчаси мисоли гулзор.  
Кўзи мисли ёнар юлдузча,  
Кавушида тугмачаси бор.

У кўчадан югуриб ўтса,  
Улар хаёл суриб қолади.  
Қадамнинг овози дук-дук,  
Юрагимда уриб қолади.

Ташлаб кўяр кунда кўз қирин,  
Кўз-кўз этиб кўйлакчасини.  
Яримлатиб тешик пақирин,  
Намхуш этар йўлакчасини.

Ҳўл бўлади кўйлакчаси, сўнг,  
Тупроқ иси тарқар овулга.

Кулиб чиққан кўйлакчаси хўнг —  
Йиғлаб кириб кетар ҳовлига.

Тун. Супада ётаман ёлғиз,  
Қўшни уйга ботиб кетар ой.  
Ўша дамда ажойиб қизча  
Ой-ла суҳбат қурар ҳойнаҳой.

Қўшни қизча, ажойиб қизча,  
Ширин хаёл сураман боз-боз.  
Мен севишни билмайман ҳали,  
Ёқтиришни биламан холос...

### КЎНГИЛГА...

Тортаверма жонимдан ушлаб,  
Солаверма юрагимга из.  
Бевафосин қизғонган ўша,  
Бувайдада нима қиламиз?!

Эсингдами, қишнинг қоридан,  
Кетган эди сочларин тўсиб.  
Энди рўмол тушиб бошидан,  
Киприклари қолгандир ўсиб.

Ҳамон хаёл этакларида,  
Жилмаяди Бувайдалик қиз.  
Бувайдаси эсдан чиқмаган,  
Ўша қизни нима қиламиз???





## СИРОЖИДДИН РОБИДОВ

*1994 йилда Паркент тумани,  
Сўқоқ қишлоғида туғилган. 2011  
йил «Истиқлол ғунчалари» номи  
алманахда туркум шеърлари чоп  
этилган. Паркент туман Агро-  
саноат ва сервис КХКнинг 3-бос-  
қич талабаси.*

### ҚАЛДИРҒОЧЛАР

Ола қанот, оппоқ дилли,  
Қушларданми қалдирғочлар.  
Куйга тула осмон кўнгли —  
Бўшларданми қалдирғочлар.

Айвонда мен ётсам ухлаб,  
Аллаларми қалдирғочлар.  
Юрагимга чўғлар қалаб,  
«Пуф»лаганми қалдирғочлар.

Ёнган юракни оҳиста,  
Ушлаганми қалдирғочлар.  
Малҳам бўлсин дея қўшиқ,  
Бошлаганми қалдирғочлар.

Шунда қалбим доғин артиб,  
Ташлаганми қалдирғочлар.  
Кўзларини қўшиқ айтиб,  
Ёшлаганми қалдирғочлар.

Кўтаришар ҳар жон кўнглин,  
Саҳнасидир симёғочлар.  
Ўзлари ҳеч бир он кўнглин,  
Хушлаганми қалдирғочлар.



Кўриндилар йил бошида,  
Том соғиниб тўккан ёшлар.  
Ойдин қизларнинг қошида,  
Қишлаганми қалдирғочлар.

### ЁМҒИР

Ёмғир билан гул баҳорнинг кўҳлиги,  
Чақмоқ гўё — табиатнинг шўҳлиги.  
Момо ернинг эҳсонлари кўплиги,  
Томчингни юзимга элайвер, ёмғир,  
Тарновда, томларда куйлайвер, ёмғир!

Ҳар томчингдан боғбон бобом шод бўлар,  
Момоннинг юзида ажинлар кулар.  
Саҳар сени сўраб кафт очган улар,  
Юртимни, халқимни сийлайвер, ёмғир,  
Тонгларда, шомларда куйлайвер, ёмғир!

Ёнса, севги учун, ишқ учун ёнган,  
Бағрига сен эмас, яралар томган.  
Кўнгил шивирларга ўрганиб қолган,  
Томчинг-ла юрагим силайвер, ёмғир,  
Тириклик қўшигин куйлайвер, ёмғир!

### ТҮЙИНГДИР

Яшнаётган тоғимга,  
Қиров кўнди, қор кўнди.  
Ўн тўққиз — ёш чоғимга,  
Ҳижронли озор кўнди.

Музлаб қолган қалбингни,  
Не ўртайди, тайиндир.  
Кўз ёш ўпар лабингни,  
Бугун сенинг тўйингдир.

Сендан менга қолмоқда,  
Совуқ урган оқ гулзор,  
Муҳаббат бош солмоқда,  
Шу гуллардан ясаб дор.

Севги боғи йиғлайди,  
Ишқ кимгадир ўйиндир.  
Мени дўстлар йўқлайди,  
Бугун сенинг тўйингдир.

Кўчада юриб бўлмас,  
Ёмғир, лойлар, қор билан.  
Тўйингга боргим келмас,  
Йигит тирик ор билан.

Аmmo, гулим, кўчангдан,  
Ўтмай янаш қийиндир.  
Наҳот сендан кетаман,  
Бугун сенинг тўйингдир.

## ОНАМ

Тонг уйғонар сийлаб ҳар жонни,  
Ёғдуларга чўмилар олам.  
Юлдузларсиз қолган осмонни,  
Дуоларга тўлдирар онам.

Энди бир жуфт шеърим босилган,  
Шоирим дер мени шунда ҳам.  
Юрагимга зарра ғам инса,  
Дуо билан аритар онам.

Бахтим сўраб доим Худодан,  
Елиб юрар о-о шўрликкинам.  
Чарчамайди ҳар он дуодан,  
Мени шоир бўлдиар онам.



## СУННАТУЛЛА МУСАМЕДОВ

*1991 йилда Фазалкент шаҳрида туғилган. 2008 йилда «Иқтидорли ёшларнинг 3-анжумани»да шеърят йўналиши бўйича ғолиб бўлган.*

*Бўстонлик туманидаги «Бўстонлик овози» — «Бостандық даусы» газеталарида ишлайди.*

### ЎЗБЕКИСТОН

Пойларингга гилам ёки бахмал тўшайми,  
Сойларингга дардим айтиб бир оз бўшайми,  
Ойларингга бедорликда ўзим ўхшайми,  
Жаннатмонанд, ҳур гулистон, Ўзбекистоним.

Кўкда балқиб, байроғимиз ҳилпираб турар,  
Юраклар ҳам Ватан билан баробар урар,  
Ўзбек халқи ҳур диёрда, шод хуррам юрар,  
Жаннатмонанд, ҳур гулистон, Ўзбекистоним.

Тенглар ичра тенгсан, обод, ҳуқуқлидирсан,  
Бахтиёрлар даврасида шукуҳлидирсан,  
Баҳор васфин куйда битган қўшиқлидирсан,  
Жаннатмонанд, ҳур гулистон, Ўзбекистоним.

Аждодларин хотирасин унутмаган эл,  
Фарзанд бўлиб тинчлик учун боғлаганмиз бел,  
Бахт ёзилган пешонангдан бир ўпайин, кел,  
Жаннатмонанд, ҳур гулистон, Ўзбекистоним.

## ШИВИРЛАР БАҲОР

Тонг палласи беҳишт боғининг,  
Булут ўпган Помир тоғининг,  
Зимистоннинг сўнги чоғининг,  
Адоғида шивирлар баҳор.

Ниҳоллари гуллаб бобомнинг,  
Қувонтирар кўрган одамни.  
Оқ туморли кўркам бодомнинг,  
Қароғида шивирлар баҳор.

Қорли тоғлар авжи ноланинг,  
Қир-адирда ўйнар боланинг,  
Алвон рангли гўзал лоланинг,  
Япроғида шивирлар баҳор.

Отаверманг сувга тошларни,  
Ўнги келмас кўрган тушларнинг,  
Гул шохига қўнган қушларнинг,  
Сайроғида шивирлар баҳор.

Бойчечаклар термилиб аста,  
Юрагимга бўлар пайваста,  
Сизга терган лоламнинг даста,  
Яноғида шивирлар баҳор.

Гулга буркаб узун йўлларни,  
Обод қилдик саҳро-чўлларни.  
Тикон захрин сезмас қўлларнинг,  
Қадоғида шивирлар баҳор.

Тан бермаслик гуноҳи азим,  
Поклигингга қиламан таъзим,  
Мен болангни топгани назм —  
Титроғида шивирлар баҳор.

## УМИД ҚИЛ

Хаётда нималар бўлмайди дўстим,  
Одамлар ўзгарар, ўзгарар сабо.  
Дардига чоралар излайди ҳар ким,  
Кошкийди, бўлса-ку барига даво.

Умид-ла яшамоқ керак экан-да,  
Мусибат тушганда Тангри бўлар ёр,  
Адолат уруғин қалбга экканда,  
Кипригинг учида гуллайди баҳор.

Дўстгинам, умидинг узмагин бир дам,  
Кимлардир айласа меҳрингни унут,  
Унутмоқ бор жойда, ёмонликнинг ҳам,  
Унут бўлишини умид билан кут.

Дилларни тумандек қоплайди баъзан,  
Дўстликка хиёнат, ишқдаги хато,  
Қуёш чиққанида тарқалар туман,  
Ноумид бўлмагин дунёдан асло.

Ғам келса йиғлама, ҳам шому саҳар,  
Пок умид айлағай мушкулинг осон,  
Умрингни узайтмоқ истасанг агар,  
Қалбингни гўзал қил, эртангга ишон.

## ОРЗУЛАР

Кўнгилларнинг тубида яшар,  
Унга ҳамроҳ жамики башар,  
Хаёлотда елдан ҳам ошар,  
Гулдек гўзал, гулгун орзулар.

Чамандаги атиргул мисол,  
Шабнамдаин беғубор тимсол,

Ой юзли бир хурлиқо, ҳилол,  
Гулдек гўзал, гулгун орзулар.

Умидворни бахт бўлиб қучган,  
Кабутардек самода учган,  
Ошиқларнинг дилидан кўчган,  
Гулдек гўзал, гулгун орзулар.

Гоҳ ушалмай интизор қилар,  
Олисларда сабримиз синар,  
Яна қалбда майсадек унар,  
Гулдек гўзал, гулгун орзулар.

Бир кун дилдан армонлар кетар,  
Синган кўнгил нурларга тўлар,  
Ишонч бўлса, албат, ушалар,  
Гулдек гўзал, гулгун орзулар.





## БАҲОДИР ЭРНАЗАРОВ

*1992 йилда Қуйи Чирчиқ туманидаги «Мамут» қишлоғида туғилган. Ҳозирги кунда ўзи таҳсил олган «Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги» касб-ҳунар коллежидан ишлаш билан бир қаторда, коллежнинг «Қамолот» ЁИҲ бошланғич ташкилот етакчиси.*

### ЮРАГИМ ТИТРОҚЛАРИ

Учраштирди бизларни,  
Тақдирнинг сўқмоқлари,  
Эритади музларни,  
Юрагим титроқлари.

Белингни қучган сунбул,  
Ишқимнинг ирмоқлари,  
Сен учун узилган гул,  
Юрагим титроқлари.

Соғинчга бўй қўшмоқда,  
Яқин ва йироқлари.  
Қирғоғидан тошмоқда,  
Юрагим титроқлари.

Мени қўрқитолмайди —  
Имтиҳон, сўроқлари.  
Сенга умид боғлайди,  
Юрагим титроқлари.

Чок-чокидан сўкилган,  
Қалбимнинг ямоқлари.

Оқ қоғозга тўкилган,  
Юрагим титроқлари.

### НЕ ДЕБ АТАЙИН

Тақдиримда битик — ўзингиз жоним,  
Меҳрим ортар сизни севганим сайин.  
Фариштам дейми, ё ҳуру филмоним,  
Айтинг, исмингизни не деб атайин?

«Бари ўткинчидир», демангиз асло,  
Гўзалим абадий меҳрим тутайин.  
Шаршарами ёки сунбулми, қаро —  
Узун сочингизни не деб атайин?

Рухсорингиз бир бор кўрмоқлик учун,  
Кўчангизда кунда минг бор ўтайин.  
Гул дейми, ой дейми ва ёки қуёш,  
Айтинг, юзингизни не деб атайин?

Кўнгилга буюриб бўлмайдим сира,  
Манглайда борини кўрмоғим тайин.  
Жонимнинг ипидай тиниқ, бокира —  
Айтинг, кўзингизни не деб атайин?

Кўнгил интиқлиги ортар кундан кун,  
Соғинч ортаверар айтинг, найлайин.  
Умрим мазмунига айланиб бўлган,  
Гулим, ўзингизни не деб атайин?







## ИРОДА ДОНИЁР ҚИЗИ

*1992 йилда Қуйи Чирчиқ туманидаги Дўстобод шаҳрида туғилган.*

*2011 йилда Қуйи Чирчиқ туманидаги «Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги» касб-ҳунар коллежини имтиёзли тамомлаб, 11-умумий ўрта таълим мактабида «Қамолот» ЁИХ етакчиси бўлиб ишлаб келмоқда.*

### **МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК БАРҲАЁТ БЎЛСИН!**

Ҳар қандай миллат, ҳар қандай халқ умумий ғоя билан яшаган тақдирдагина қўйилган мақсадларга эриша олади.

*Ислом Каримов*

**Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, ижтимоий ҳамкорлик ҳамда комил инсон ғоялари мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган асосий ғоялардир.**

Миллатлараро тотувлик, ўзаро ҳурмат, қудратли давлат барпо этиб, тинчлик ва осойишталигимизни таъминлашга хизмат қиладиган эзгу ғоядир. Миллатлараро тотувлик ғояси умумбашарий қадрият бўлиб, турли халқларнинг бир ҳудудда, тотувликда истиқомат қилишини англади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида: «Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади» деб аниқ белгилаб қўйилган. Барчамизга маълумки, Ўзбекистон Республикасида 130 дан ортиқ миллат ва элат истиқомат қилади. Биргина Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманида 98200 нафар аҳоли бўлиб, бундан 60 фоизини ўзбеклар, 40 фоизини эса 32 хил миллат вакиллари ташкил этади.

Ҳавас қиларли жиҳати шундаки, кўп миллатли туманимиз аҳолиси йиллар давомида бир-бирларининг қадриятлари, урф-одатларини ҳурмат қилган ҳолда аҳил ва иноқ яшаб келмоқдалар. Олижаноблик ва инсон-парварлик миллатлараро тотувликка интилиш – халқимизнинг энг юксак фазилатларидан бири ҳисобланади. Бу борадаги анъаналар авлоддан авлодга авайлаб етказиб келинмоқда. Ҳар бир миллат оламнинг мўъжизасидир. Мамлакатда турли миллат вакилларининг мавжудлиги азал-азалдан унга табиий ранг-баранглик бахш этиб келган. Чунки миллатларнинг умумий манфаатлари билан бирга ўзига хос қадриятлари, анъана ва урф одатлари бор.

Масалан, 1992 йилдаёқ миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Байналминал Маданият маркази ташкил этилгани бунга яққол мисол бўла олади.

Шунингдек, Қуйи Чирчиқ аҳолиси яхши билишадик, туманимиздаги корейс миллати вакилларидан иборат «Мокнан» ансамбли ўз ижод фаолиятини 8 йилдан буён давом эттириб келмоқда. Бу ансамблда жажжи кичкинтойларга, ёшларга корейс миллатининг ўзига хос урф-одатларини, аждодларидан мерос бўлиб қолган анъаналарни гуруҳнинг ёши улуғлари ўргатиб келмоқда. Шу билан биргаликда тумандаги тантаналар, байрамлар, тадбирларда ўз миллий репертуарлари билан давраларнинг файзига файз қўшиб келишаётганини кўриб, беихтиёр бу муқаддас Ватанда инсоннинг қадрқиммати устуворлигидан шукроналик ҳиссини туясиз.

Дарҳақиқат, бағрикенг ва сахий халқимиз бор. Мамлакатимиздаги миллатлар ўзаро ҳамкорлик, тотувлик ғояларига таяниб, ҳамжиҳат бўлиб, якдил ва ягона «Ўзбекистон халқи» тушунчаси билан ўз олдига қўйган юксак мақсадлар йўлида бир тану бир жон бўлиб, ишонч билан одимламоқдалар.

Зеро, ўсиб келаётган ёш авлод онгида ҳам бу анъаналарга содиқ ҳолда «Ўзбекистон – ягона Ватан» деган

улуғвор гоя асосида ҳақиқий ватанпарварлик туйғусини шакллантирмоқлик бугунги кундаги устувор вазифаларимиздан биридир.

## РЎЁДАН НАРИ

Куёш нурин аямас кундан,  
Ой ҳам севар туннинг бағрини.  
Ҳар кўнгил ҳам хотиржам шундан,  
Меҳри ила очса бағрини.

Ўпичга зор япроқлар юзи,  
Ҳавас, умид шабнамда йўқми?  
Чин ошиқнинг изҳору сўзи,  
Дилга оғриқ, қадалган ўқми?

Интиқлигим, илинжим йўлдош,  
Гўё икки кўзим сингари...  
Муродимга орзулар қондош,  
Рўё менинг умримдан нари!





## ГУЛЧЕХРА ОРТИҚОВА

*1993 йил 27 октябрда Чиноз туманида туғилган. 2012 йилда Чиноз Агросаноат ва тадбиркорлик коллежини тамомлаб, ҳозирда «Чиноз ҳаёти» таҳририяти қошида ташкил этилган «СЎЗ» адабий тўғараги фаол аъзоси.*

## ЁМҒИР

Ёмғир ёғаяпти тунда майдалаб,  
Кўзимдан қочмоқда ҳаловат, уйқу.  
Ёмғирнинг куйлари ерни эркалаб,  
Борлиққа улашиб чиқяпти орзу.

Табиат сокинлик оҳангидан маст,  
Эринмай чалар у ёқимли куйни.  
Чекиниб боряпти қоронғу зулмат,  
Кўнгилга хуш ёқар ширин бир туйғу.

Юрак ҳам ёмғирдан кейинги тонгдек,  
Бир ғуборсиз бўлса, бўлса беғубор.  
Ҳар баҳор қалдирғоч қайтгани каби,  
Муҳаббат ҳам қайтса, қанийди такрор.

## ДУНЁНИНГ СУРАТИ

Дунёнинг сирини англаб бўлмайди,  
Бир қўлида гулу бир қўлида кул.  
Фақат, юракдаги меҳр ўлмайди,  
Дунёнинг дардини англамоқ мушкул.

Баъзан дўстларингдан эшитган гапинг,  
Аямай солади дилга жароҳат.  
Баъзан душманларинг дўстга айланар,  
Якун топгандайин бўлар қабоҳат.

Баъзан меҳр истаб ўртанади жон,  
Бу оташнинг ўти дилингда кўчар.  
Эзгулик барибир яшайди, ишон,  
Яхшилик дарахти гуркираб ўсар.

Оламни англашга уринди кўп бор,  
Кўнгил кўзларининг буюк рассоми.  
У гулнинг суратин чизмоқчи эди,  
Дунёнинг сурати аталди номи.

### ОРЗУ

Шундай кун келсинки, уйғонсин дунё,  
Қалблар айта олсин оташ сўзларни.  
Қумдай чўкиб кетсин ўткинчи рўё,  
Нур каби ўрасин ҳаё юзларни.

Ўша бахтли кунда Арши Аълодан,  
Ёғилиб турсин пок орзу-умидлар.  
Унут бўлиб кетсин хавотирлар-у,  
Минг йиллик армонлар, минг хил сукутлар.

Нурафшон тонг пайти оби раҳматдай,  
Қалбдаги доғларни ювсин ҳар шабнам.  
Дўстлар юраклари бўлсинлар пайванд,  
Фақат хуш каломга ўргансин одам.

Бахтлиман у гўзал лаҳзага етсам,  
Дуога очарман ҳар тонг қўлларим.  
Янги кун завқидан юрагим тошар,  
Нурли манзил сари бошлар йўлларим.

## МАНЗАРА

Кўнглим каби яримта ой ҳам,  
Тиниқ булоқ чалар сибизга.  
Юлдузларга хуш ёқиб оҳанг,  
Булоқ узра сочилди аста.

Туйғулардек бедор бугун тун,  
Сукутларга енгилмас асло.  
Шамоллардан тўкилар афсун,  
Япроқлардан таралар наво.

Майсаларнинг шивири хушҳол,  
Кўл юзида бир жуфт оппоқ куш.  
Тун гўёки мўйсафид бир чол,  
Оппоқ тонгни кўраётир туш.





## МУҚАДДАС ФАРҲОД ҚИЗИ

*1995 йилда Ангрен шаҳрида  
туғилган.*

*Ёш ижодкорларнинг Дўрмон  
семинари иштирокчиси.*

### НИЯТ

Соғинчнинг жилоси қандайин рангда,  
Фақат яхшиларга интиқми дийда?  
Шамоллар куйлаган қадим оҳангда,  
Гулла, йўлларимда гуллагин, жийда!

Сенинг ифорларинг, сенинг ҳидларинг,  
Менинг кўнглимдами, қаерда, қайда?  
Бунча маҳзун ахир сенинг ўйларинг,  
Гулла, йўлларимда гуллагин, жийда!

Ойдин саҳарларнинг саболарини,  
Интиқ кутганим рост, ҳар он, ҳар жойда.  
Унутиб юлдузнинг хатоларини,  
Гулла, йўлларимда гуллагин, жийда!

Умр йўлларида қоқилмоқ осон,  
Дунё ташвишлари жудаям майда.  
Ишон, умид билан эртага, ишон,  
Ҳар кун йўлларимда гуллагин, жийда!

## БИР ШЕЪР ЁЗСАМ...

Бир шеър ёзгум,  
Ялпизларнинг келар ҳаваси.  
Бир шеър ёзгум,  
Сезилгайдир тонгнинг нафаси.  
Бир шеър ёзгум,  
Гуллар унга шайдо бўлғуси.  
Бир шеър ёзгум,  
Ой ёнимда пайдо бўлғуси.  
Бир шеър ёзгум,  
Юрагимни иситсин сеҳри.  
Бир шеър ёзгум,  
Қўлларимда эрисин меҳри.  
Бир шеър ёзгум,  
Юракларни ларзага солсин.  
Бир шеър ёзгум,  
Одамларнинг қалбида қолсин.

## АҲД

Умид билан ўстирдим дарахт,  
Соёсида яйрасин деб бахт.  
Тугамайди дилимдаги шаҳд,  
Жуда юксак қалбимдаги аҳд....  
Кўшиқ бўлсам, ўтли сўз бўлсам,  
Шу диёрга лойиқ қиз бўлсам.

Экканларим бўлди чаманзор,  
Елкасида гуллади диёр.  
Соёсида тебрансин дийдор,  
Ва тонгларда таратсин ифор.  
Юртим учун мен ҳам кўз бўлсам,  
Шу диёрга лойиқ қиз бўлсам.

Мужнунтолим узун сочларин,  
Сажда учун пойига тўқди.  
Илдизида бойчечакларим,



Ниятларим, умидим экдим.  
Баҳорлардай нафис юз бўлсам,  
Шу диёрга лойиқ қиз бўлсам.

Орзуларим кемаларида,  
Бўйларини кўрсатди чинор.  
Унинг чексиз япроқларида,  
Маъюсгина жилмайди баҳор.  
Ёки майса ё ялпиз бўлсам,  
Шу диёрга лойиқ қиз бўлсам.

## ВАТАН

Сен — қалбимнинг тубидаги зилол булоқ,  
Сен — майсанинг жилвасида нафис титроқ.  
Боболарим бағрингдадир азиз тупроқ,  
Юрагимнинг оҳангида номинг, Ватан!

Минг йилликлар саси келар хуш оҳангдан,  
Яхшиликнинг номи қалқир сардобангдан,  
Тўрт фаслнинг тўрт нафаси ҳар воҳангдан,  
Қизғалдоқлар маскан тутган томинг, Ватан!

Дониш бўлиб Бухоронинг куйлар тоши,  
Мозийларда Бухорийнинг тўккан ёши.  
Тиллога тенг Паркент узумин бир боши,  
Асалларга тўлиб тошар жоминг, Ватан!

Тарих бўлиб сўзлаётир минорларинг,  
Асрларга гувоҳ эрур чинорларинг.  
«Хамса»ларинг, девонларинг, ашъорларинг,  
Навоийлар асраб келган шонинг, Ватан!

Оламни лол айлаётган Регистонинг,  
Тожмаҳали ўзга юртда Андижонинг.  
Фарзандларинг камолида бор имконинг,  
Жонимизга туташ сенинг жонинг, Ватан!



## ДИЛНАВОЗ НАЖИМОВА

1998 йилда Бўстонлик туманида туғилган. «Энг яхши дўст», «Болалар табассуми» номли шеъррий китоблари нашрдан чиққан.

Ўзбекистон радиоканали орқали эфирга узатиладиган «Болалар учун» дастурининг бошловчиси.

### ЧУМОЛИНИНГ ОИЛАСИ

Ишдан келгач дадаси,  
Кутиб олар чумоли.  
Дуо қилар момоси:  
Бўл ували, жували.

Дадаси дер, қишга деб,  
Арпа ғамлаб қўйганман.  
Ойиси дер: Тез чиқинг,  
Кўк чой дамлаб қўйганман.

Чумолилар тўрт-бешмас,  
Минг-минг бўлиб яшайди.  
Неки бўлса ўртада,  
Биргаликда ошайди.

Минг-минг бўлиб турса ҳам,  
Билмас уриш-талашни.  
Ўрганишга арзийди,  
Чумолидан яшашни.

### «РОСТ СЎЗ»

Гилос пишгач қорайиб,  
Иштаҳани қитиқлар.  
Ўйишга ҳеч кўз қиймас,  
Ўзгинг келар битиклар.

Бу сўзларим бари чин,  
Асло ёлғон демарим.  
Товоқдаги гилосни,  
Ишонинг, мен емарим.

### ТУМАН

– Туман айтинг қандайин,  
Пайдо бўлар? – деди Ҳол.  
Даврон деди: – Булутлар,  
Ерга тушар эҳтимол.

### ТҮЙГА ТҮЁНА

Олиб келгач дадам қуй,  
Қурдик битта қуйхона.  
Қўйларнинг маърашидан,  
Қуйхонамас, туйхона.

Карнай-сурнай – маъраши,  
Йўқ бундайин шодиёна.  
«Оғзингни юм» деб бир қоп ем,  
Туйга қилдим туйёна.

### ҚАНДАЙ ОШ БЎЛАР

Бувим: Ота-онангиз,  
Ўзингизга бош бўлсин!  
Шўрва ичсак лейдилар,  
Қани, олинг, ош бўлсин!

Тўғри, ота-онамиз,  
Ўзимизга бош бўлар.  
Лекин жуда ҳайронман,  
Шўрва қандай ош бўлар?



## СИТОРА ТОШМАТОВА

*1993 йилда Бекобод шаҳрида туғилган.*

*Ситоранинг шеърлар ёзиш билан бирга бадиий таржималарга ҳам иштиёқи баланд. У инглиз ва француз тилларини мукаммал билади. Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирланган.*

*Ситора Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетининг Хорижий филологияси факультети II курс талабаси.*

### ВАТАН!

Ҳадя этдиларда менга кўзмунчоқ,  
Ва дедилар: «Асрайди ёмон кўзлардан!»  
Туморлар не даркор сен омон бўлсанг,  
Мени дуоларинг қўллайди, Ватан!

Баралла куйласам сен ҳақда бугун,  
Ҳатто булбуллар ҳам берса эди тан.  
Юрагимга ишқинг жойлабон қўйган,  
Шўхчан наволаринг қўллайди, Ватан!

Шоира қизимга илҳом берай деб,  
Ялпизойлар тушар ялпизтепадан.  
Офтобинг онамдай меҳрига белаб,  
Нур-у зиёларинг қўллайди, Ватан!

«Бизни мавҳ этолмас завол лашкари,  
Бу назм боғига киролмас хазон».  
Бир кун зўр шоира бўламан ҳали,  
Мени дуоларинг қўллайди, Ватан!

Мени дуоларинг қўллайди, Ватан!

## ДАРАХТ

Эй, содда дарахтгинам,  
Езда яшнаб кулибсан.  
Қишда зор қўлларингни,  
Кўкка чўзиб турибсан.

Ўзинг ҳам қизиқсан-да,  
Кўнглимга ғашлик солдинг.  
Ҳамма кийинганда сен,  
Нега ечиниб олдинг?!

## ШИЖОАТ

Мудроқ вақт, сен мендан қоляпсан ортда,  
Дунё, қара, сендан ўзиб кетяпман.  
Орзулар йўлида, мақсад йўлида,  
Фов келса, тўфондек бузиб кетяпман.

Сен мендан ранжима, эй кекса армон,  
Гар рангинг заъфарон, менда эмас айб.  
Теграсини ол ранг бахт чулғаган он,  
Қай кимса зафарни дейди ахир, айт?!

Қуёш ҳадя этган оташ қалбимда,  
Икки қўллаб тутай қаро тунимга.  
Сиз ҳам беҳудага тўкилманг, ёшлар,  
Асраб қўяй сизни шодон кунимга.

Дунё, қара, сендан ўзиб кетяпман,  
Армон, ғамни янчиб, бузиб ўтяпман.  
Шошқин дарёларни қолдириб ортда,  
Бахтнинг кемасида сузиб кетяпман!

Мудроқ вақт, сен мендан қоляпсан ортда...

## ЎША МЕН

Ўша мен – юлдузин осмонга бериб,  
Пойида тупроқни қучоқлаб ётган.  
Ўша мен – музларнинг тафтида эриб,  
Тўлқинли юраги денгиздай қўпган.

Ўша мен – заъфарон боғлар оралаб,  
Сукунат сеҳрига тўймаган сира.  
Ўша мен – телбадек қоғоз қоралаб,  
Ёзиб-ёзолмаган ёлғиз шоира.





## САРВИНОЗХОН МАМАТОВА

*Ангрен шаҳар 18-умумий ўрта таълим мактабининг 8-синф ўқувчиси. 2011-2012 ўқув йилида «Йил ўқувчиси» дипломига сазовор бўлган.*

### ҚАЛАМГА

Ичинг қора десам гар,  
Сен аразлаб қолмагин.  
Қилмишингни эслатсам,  
Оҳ уриб дод солмагин.  
Сенда имзо чекилган,  
Мўмин Мирзо қатлига.  
Бу ҳол жаҳон аҳлининг,  
Сира сиғмас ақлига.  
Бобо ўз набирасин,  
Қатлига буйруқ этди.  
Бу буйруқни афсуским,  
Қалам – сен билан битди.  
Имкон йўқ эди дема,  
Синиб кетсанг бўларди.  
Қайта тарашлагунча,  
Хиёнат фош бўларди.  
Майли сени кечирай,  
Порлади қалбда туйғу.  
Мустақиллик юртимга,  
Сен билан битилган-ку.  
Байроқ, гербим, мадҳиям,  
Дунёга танитган сен.

Мустақил Ўзбекистон,  
Мадҳиясин битган сен.  
Дўст бўлиб бир гап айтай,  
Қора ишга қўл урма.  
Тинчлик, дўстлик бор жойда,  
Ёзавергин жим турма.

## ЎЗБЕКИСТОН

Самога бахт расмин чизар турналар,  
Шодлик куйин чалар шарқироқ сой ҳам.  
Омад қўлим тутар, толеъ-да қучар,  
Менга ҳавас қилар кўкдаги ой ҳам.  
Омад ҳам Оллоҳдан иноят экан,  
Омадим – шу юртда туғилганлигим.  
Бахтимга дунёлар қилмоқда ҳавас,  
Бахтим – Ўзбекистон менинг Ватаним.  
Юртим осмонида учмас қузғунлар,  
Туни тинч, кундузи шодон кулажак.  
Тонгги шудринг каби омонат эмас,  
Бунда кафолатли порлоқ келажак.  
Унутолмам улуғ Чўлпон, Усмонинг,  
Бўғзингдаги дардли нолангни, Ватан.  
Ардоқлай, шаҳидлар қонидан қирда  
Униб чиққан алвон лолангни, Ватан.  
Мен – Нодира қизинг, Тўмарисингман,  
Фурур жомидаги жолангман, Ватан.  
Мен – оппоқ тонгингман, порлоқ эртангман,  
Она, деб талпинган болангман, Ватан!  
Қизим, деб чорласанг огоҳинг бўлиб,  
Қошингда турайин уйғоқдир виждон.  
Ёзганим шеър эмас, толеъдан масрур.  
Митти юрагимдан отилган вулқон.



## ОРЗУ

Учаётган қушга термилиб,  
Хаёлларга чўмардим баъзан,  
Қани мен ҳам шу қушдек бўлиб,  
Самоларга парвоз этолсам,  
Қанот бергин, менга Табиат.  
Ойлар ўтди, йиллар кетидан,  
Мен улғайиб ўқувчи бўлдим.  
Парвоздаги қушларни кўриб,  
Яна ўша хаёлга чўмдим,  
Қанот бергин, менга Табиат.  
Болалик экан-да, бугунча,  
Орзуларим бир оз ўзгача,  
Мен қанотни ўзимга эмас,  
Сўраяпман истеъдодимга,  
Қанот берақолгин, Табиат!

## АЙБИДАН ТОНДИ

Душанба куни эди,  
Устоз барчани тўплаб,  
Синф мажлисин қилди.  
Тозаликдан сўз бошлаб:  
– Синфхона эшиги,  
Кир бўлибди кўрмайсиз,  
Сиёҳ чаплабди кимдир.  
Нега разм солмайсиз?  
Энг аввало тозалик,  
Бошланар ўзингиздан.  
Тоза бўлсин, либос-у,  
Қўлингиз, юзингиз ҳам.  
Кимнинг қўли кир, сиёҳ,  
Эшикни ушлаган у.  
Қўлидаги сиёҳни,  
Тутқичга чаплаган у.

Болалар бир-бирларин,  
Боқар эди қўлига.  
Иккичи Одилвойнинг,  
Боқиб ўнгу сўлига,  
Бирдан зукко Шоира,  
Устозига сўз деди:  
– Қаранг, Одилнинг қўли,  
Кир, сиёҳ, ифлос, – деди.  
Шунда барча йигилиб,  
Унга таҳдид қилишди.  
Одилнинг бу ҳолатдан,  
Пешонаси тиришди:  
– Устоз, менда айб йўқ,  
Тухматлардан чарчадим.  
Мен эшикни қўл эмас,  
Оёғимда очардим...





## МУХЛИСА АБДУҚОДИРОВА

*Ангрен шаҳар 4-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси. Алишер Навоий номли маданият маркази қошида ташкил этилган «Довон жилғалари» ижодкорлар клуби аъзоси. Шеърлари «Довон жилғалари», «Биздан обод Ватан қолсин!» тўпламларида, «Гулхан» журнали, «Карвон қўнғироғи», «Экомувозанат» ҳамда «Улуғ йўл» газеталарида чоп этилган.*

### НОННИ АСРАЙЛИК

Синфдошим Салимжон,  
Еб юрар ушатиб нон.  
Ундай қилмагин десак,  
Бизларга кулар шу он.  
Нон увоғи ҳақида,  
Устоз айтди ривоят,  
Салимжон бўлиб қолди  
Ўз ишидан хижолат.  
Қизарди-ю бўзарди,  
Манглайида маржон тер.  
— Нонни увол қилмайман,  
Мени кечиринглар, дер.

### ТАБИАТ

Табиатни асрамоқ,  
Барчамизнинг бурчимиз.  
Бу ишларга албатта,  
Етар бизнинг кучимиз.  
Ўсимлик, ҳайвонларни,  
Асрасак бўлди фақат,

Бизга борин беради,  
Саховатли табиат.

### **АРДОҚЛАЙМАН**

Соғ-омон бўлгин деган,  
Меҳрибоним онамсиз.  
Бахт-тахтли булгин деган,  
Жонажоним онамсиз.

Катта бўлсам албатта,  
Ишончингиз оқлайман.  
Онажоним, офтобим,  
Мен сизни ардоқлайман.

### **СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ**

Бугун сўнги қўнғироқ,  
Жуда хафаман.  
Устозимни мен энди,  
Қачон кўраман.  
Қўлидан тутаман,  
Энди сабрни.  
Орзиқиб кутаман,  
Сентябрни.

### **БОБОЖОНИМ**

Бобожоним меҳнаткаш,  
Сира тинмайди.  
Бир оз дам олинг десақ,  
Парво қилмайди.  
Яратиб сўлим боғлар  
Яйрайди дили,  
Бизларни дуо қилиб  
Чарчамас тили.

## Янги йил оқшомида

Қорбобо ва қорқиз,  
Биз томон елар.  
Ажойиб кун бугун,  
Янги йил келар.

Соатнинг бонгидан,  
Алмашар йиллар.  
Янги йил завқидан,  
Яйрайди диллар.

Хонанинг тўрига,  
Безаб арчани.  
Байрамга чорладик,  
Барча барчани.

## ОНА ТАБИАТ

Онадек меҳрибон табиат,  
Асрамоқлик уни зўр ният,  
Ер-у осмон, ой ҳамда қуёш,  
Бизлар учун энг яқин йўлдош.  
Тоғлар, боғлар, дарё, денгизлар,  
Табиатнинг неъматини — сизлар.  
Кўзларимиз қорачиғидек,  
Асрагаймиз ҳамини бизлар.





## НОЗИМА ЭРКИНБОЕВА

*2000 йилда Ангрен шаҳрида туғилган. Ҳозирда Ангрен шаҳридаги 7-мумтаълим мактабида ўқийди. Буш вақтларида адабиёт, биология ва инглиз тили фанлари билан шуғулланади. Мактабдан ташқари «Довон жилғалари» ижодиёти клуби, «Илк қадам» тўғараги аъзоси.*

### ТОЗАЛИК ҲАҚИДА ТУШ

*(Эртак)*

Фани кўчадан  
Бери келмасди,  
Онасига ҳеч  
Қулоқ солмасди.  
Қаранг хонасин,  
Ҳаммаёғи чанг.  
Она бечора  
Йиғарди аранг.  
Отасининг-чи  
Асаби таранг.  
Унинг ишидан  
Турар ҳангу манг.  
Кўчадан келиб  
Ювинмас асло,  
Бир куни тушда —  
Ухлади танҳо.  
Қараса бир пайт  
Жиҳозу буюм,  
Мажлис қилишар  
Бўлиб бир уюм.

Чиқибди сўзга  
Йиртиқ пайпоқвой,  
Ёш олиб кўзга  
Дерди: — Кўча лой  
Парво ҳам қилмас  
Босиб ўтади,  
Кир бўлар демас  
Ечиб отади,  
Бир пойим қайда,  
Ўзим билмайман,  
Йиртиқ аҳволда  
Қайдан излайман.  
— Не қилайин мен  
Беринг маслаҳат,  
Ғижим аҳволда  
Бошларим карахт,  
Дазмол нелигин  
Билсайди қани,  
Мени дазмоллаб  
Кўярди Ғани, —  
Кўзга ёш олиб  
Кўйлак дер аста  
Ўзи паришон  
Диллари хаста.  
— Э-э, сиз-ку майли,  
Менга қийин-да  
Чунки оёқлар  
Доим ўйинда.  
Тепаман копток  
Кечгача тинмай  
Сув, лой нелигин  
Писанд ҳам қилмай  
Ўйиндан кейин  
Ювайин демас.  
Оғзим очилган  
Таъмирлай демас.

Туфли сўзини  
Тасдиқлар барча  
Не қилиш керак  
Чидашар қанча.  
Чўтка-ю тароқ,  
Совуну қайроқ,  
Ҳаттоки йиртиқ  
Битта пой пайпоқ,  
Бари кетмоққа  
Аҳд қилишибди.  
Гапни бир жойга  
Нақд қилишибди.  
– Иркит Фанивой  
Билмас қадримиз,  
Юринг, бу уйдан  
Кетдик баримиз.  
Буюмлар роса  
Шовқин солишди,  
Бир пайт барчаси  
Жўнаб қолишди.  
Фанивой бундан  
Кўрқиб кетди-ку  
Тўхтатмоқ бўлиб  
Туриб кетди-ку.  
Қараса, тушда  
Экан-да бари,  
Ёмон хаёлни  
Қувибди нари.  
Қилган ишидан  
Уялиб роса,  
Кўрган тушидан  
Қилди хулоса.  
Энди-чи Фани  
Озода юрар.  
Онасига ҳам  
Қарашиб турар.



## КУЗ

Хомушдир ҳар ён  
Кўз ёшда осмон,  
Тўкилар хазон,  
Олтин куз келди...  
Чиройли гуллар,  
Япроқ тўкади,  
Булутлар кўкда,  
Чокин сўкади.  
Чумолижонлар  
Қиш гамин ейди.  
Асаларилар  
«Биз камми?» дейди.  
Олтин кузни биз  
Интиқ кутамиз,  
Устоз қўлига  
Гуллар тутамиз.

## ГУЛЛАР

Овутар хаёлимни,  
Гулларнинг тебраниши.  
Буй таратиб атрофга  
Жилва билан боқиши.  
Эсганида шаббода  
Гул юзини очади,  
Эрта тонг билан улар  
Ифорини сочади.  
Эътибор берсанг, агар  
Қуёшдан олар тафтин,  
Мафтункор бўлиш учун  
Сувга тутади кафтин.  
Мафтун бўлиб гулларга  
Гулзорларни кезаман,  
Илҳомим жўшиб кетиб  
Сўзим шеърга тизаман.

## ОТАМНИНГ ЎГИТИ

Инсон қулоғи  
Иккита билсанг,  
Оғзи-чи битта,  
Эътибор қилсанг,  
Шунинг учун ҳам  
Кўп тингла, болам,  
Кам сўздан эса  
Кўнгил хотиржам.  
Кўп гапирасан,  
Шундадир хатонг, —  
Деб қўяр менга,  
Меҳрибон отам.

## ЧАҚМОҚ НЕГА ЧАҚАДИ?

— Чақмоқ нега чақади? —  
Синглим сўради мендан.  
Бу китобни бир кўрсанг,  
Билиб оларсан сен ҳам.  
Кўриб синглим китобни,  
Айтди менга жавобни:  
— Билдим — билдим опагон,  
Недан чақмоқ чақиши,  
Бу уришқоқ булутнинг  
Этагини қоқиши.





## МАДИНАБОНУ САИДОВА

*Ангрен шаҳар 33-умумий ўрта таълим мактабининг 8-«Б»синф ўқувчиси. «Илк қадам» тўғарагининг фаол аъзоси. Шеърлари «Атиргул» номли илк шеърӣ тўпламида, «Довон жилғалари» тўпламида ҳамда «Гулхан», «Тонг юлдузи», «Олтин қалам», «Туркистон», «Карвон қўнғироғи», «Улуғ йўл», «Ангрен ҳақиқати» каби бир қатор даврий нашрларда chop этилган.*

## ВАТАН

Ҳар бир ниҳол-у  
Тошда бўлади,  
Ватан пойдамас  
Бошда бўлади.

## АНЖИРнинг дегани

Бир гулламай икки бор  
Ҳосил берсам ҳам,  
Қадди-бўйим чинормас,  
Шохларим кўркам.

## ТУТУНнинг дегани

Сал шамол елда,  
Келгани учун,  
Менинг бағрим ҳеч  
Бўлмас бус-бутун...

### **ЧОЙНАКнинг дегани**

Жонга тегди эгилиш,  
Қора чою кўк чойлар,  
Бу дунёда бормикан  
Пиёлалар йўқ жойлар.

### **ЯНГИ МАҚОЛ**

Қаноти йўқ куш бўлмайди,  
Таъбири йўқ туш бўлмайди.  
Бир сочи йўқ бош бўлар-у  
Жимжилоқсиз мушт бўлмайди.

### **ЯРАШАДИ**

Ҳар бир хаста, беморга  
Чин кўнгилдан қарашар,  
Бу дунёда ёлғон сўз ҳам  
Шифокорга ярашар.

### **АЛДАР КЎСА**

Кийиб олдим-у  
Ростнинг тўнини,  
Топдим, яшашнинг  
Осон йўлини.

### **АЖАБО**

Ажаб ҳазил, ғаройиб,  
Ажойиб бир киноя.  
Одамлардан одамни  
Итлар қилар ҳимоя.

## ГУЛ

Атиргулга, райҳонга  
Раҳмим келар,  
Одамларга гоҳида  
Қаҳрим келар.  
Кўрмайдими кўзлари,  
Кўнгли тўлмасму?  
Шу гулларни узмасдан  
Ҳидлаб бўлмасму?

## ВУЛҚОН

Ўтдир, оловдир,  
Унинг асоси,  
Вулқон — тоғларнинг  
Сабр косаси.

## БУ ЙИЛ

Энг аввало бойчечак  
Бошин кўтарди,  
Бу кунларни, бу кунни  
Ҳамма кутарди.

Бир даста гул, бир дунё  
Ҳаммага етар,  
Кейин баҳор, сўнг Наврўз  
Бошланиб кетар.





## ДИЛХАЁТ ЭРКИНОВА

*Ангрен шаҳар 25-мактаб  
7-синф ўқувчиси. «Камолот» ЁИҲ  
Ангрен шаҳар кенгаши қошида  
ташкил этилган «Илк қадам»  
тўғараги аъзоси, 2013 йил Узбе-  
кистон Ёзувчилар уюшмаси ва  
«Ижод» жамоат фонди томони-  
дан «Дўрмон» ижод уйида ўтка-  
зилган «Истеъдод мактаби III»  
Республика ёш ижодкорлар се-  
минари иштирокчиси.*

## ОППОҚ ҚИЗ

Қизиқ, дадам негадир  
Қовоқ солиб турибди.  
Аразвойнинг гапига  
Кулоқ солиб юрибди.

Ювмагандим пайпоғин  
Борми дейсиз эсимда.  
Шоколад ҳам йўқ бугун  
Эҳ, ҳамма айб ўзимда.

Дадам ишдан келгунча  
Ювдим нақ ўнта пайпоқ.  
Дастрўмоллар қолмади,  
Бари тоза ва оппоқ.

Буни кўрган дадамнинг  
Жилмайди иссиқ юзи.  
Энди шоколад ейди  
Дадамнинг оппоқ қизи.

## ДУО ҚИЛАРСИЗ

Бизга бор меҳрин берган,  
Ҳар он ҳолимиз сўрган,  
Бахтини бизда кўрган,  
Яғонам — отам, онам!

Улғаяди бўйимиз,  
Шод айламоқ ўйимиз,  
Сиз бор файзли уйимиз,  
Нурхонам — отам, онам!

Бошимизни силарсиз,  
Бизга омад тиларсиз,  
Доим дуо қиларсиз  
Дурдонам — отам, онам!

## ЭРТАКЛАРДА

Эртақларда негадир  
Ҳайвонлар ҳам гапирар.  
Ростгўйлик ва яхшилик  
Албатта қолиб бўлар.

Зумрад ва Қиммат ёки  
Уч оғайни ботирлар,  
Бизни ахлоқ-одобга  
Чорламоққа шайдирлар.

Болалик давримизда  
Ҳамроҳимиз эртақлар,  
Бизни тўғрилиқ ҳамда  
Эзгуликка етақлар.

## АСРАГАЙМАН

Ватан бу чарос кўзим,  
Қарогимдан бошланар.  
Туғилиб ўсган уйим,  
Гулбоғимдан бошланар.

Жаннатмонанд масканим,  
Боғ, тоғимдир Ватаним.  
Узоқ тарих шони бор,  
Қишлоғимдир Ватаним.

Ватаним асрагайман  
Тўмарис момом каби,  
Дунёга дoston этгум  
Навоий бобом каби.

## БИЛИМЛАР КУНИ

Ёз бўйи соғиндим,  
Лек қилдим сабр.  
Орзиқиб кутганим  
Келди сентябрь.  
Мактабга отландим  
Гул билан қўлда,  
Дўст, дугоналарим  
Учради йўлда.  
Улар ҳам мендайин  
Мактабга шошар,  
Яқинлашган сайин,  
Завқимиз ошар.  
Билимларга коним  
Эзгу мақсадим,  
Ассалом, қадрдон  
Она мактабим!





## СЕВИНЧ ХУРСАНАЛИЕВА

*1998 йилда Паркент туманида туғилган. Ҳозирда Паркент туманидаги 1 умумий ўрта таълим мактабининг 9 синфида таҳсил олмоқда.*

*Ижодий намуналари «Туркистон», «Паркент тонги», «Тонг юлдузи», «Оила ва жамият» газеталарида чоп этилган.*

*«Жаҳон халқ оғзаки ижоди билагонлари» танлови совриндори.*

## МАНГУ БЎЛ, МУСТАҚИЛЛИК!

Бизга бахт ҳадя этган,  
Навқирон ёнига етган,  
Сен бирдамлик, ахиллик —  
Мангу бўл, мустақиллик!

Биз энг бахтли ёшлармиз,  
Буюк ишлар бошлармиз!  
Қанотсиз қушмиз сенсиз,  
Мангу бўл, мустақиллик!

Тараққиётга нарвон,  
Сенсан энг буюк даврон!  
Бизларни этиб шодон,  
Мангу бўл, мустақиллик!

## УСТОЗ

Устоз, сизга қанча таъзим  
Айласам ҳам оз бўлур.  
Меҳрингиздан қорлар эриб,  
Қиш ҳам ҳатто ёз бўлур.

Сиз баҳорсиз юракларда,  
Гулу куртак очгувчи.  
Қуёшдирсиз барча дилга,  
Зиё нурин сочгувчи.

Берган билимингиз албат,  
Келажакда оқлаймиз!  
Қутлуғ номингизни абад,  
Қалбимизда сақлаймиз!

### **УСМОН НОСИРНИНГ СЎНГГИ ТИЛАГИ**

Чақмоқдай бир ёниб, ўчган шоирман,  
Дардлардан дилларга кўчган шоирман.  
Бизни сиғдирмади золим замона,  
Умри синовларда кечган шоирман.

Қанча шоир ўтди, қанча носирлар,  
Гоҳо бизлар учун синовдир йиллар.  
Бизларни хор қилди тош кўнгиллилар,  
Золимлар сирини очган шоирман.

Гўёки мен ўлдим, ўлдирди ғаним,  
Лек ўлмади дилда, ғурурим, шаъним.  
Энг сўнги тилагим, бор бўл, Ватаним,  
Адолат қасамин ичган шоирман!

### **ГУЛЛАР, БЎЛАЙЛИК ЎРТОҚ!**

Табиатга кўрк, чиройсиз,  
Ҳусн-у тароватга бойсиз,  
Боғимдаги эркатойсиз,  
Гулларим, яшнанг ҳар чоғ,  
Келинг, бўлайлик ўртоқ!

Атрингизга тўйиб бўлмас,  
Сизни кўрмай кўнглим тўлмас,  
Сизга бўлган меҳрим сўнмас,  
Гулларим, яшнанг ҳар чоғ,  
Келинг, бўлайлик ўртоқ!

Оламга бир инъом бўлиб,  
Шеърларимга илҳом бўлиб,  
Боғимда завқ-шавққа тўлиб,  
Гулларим, яшнанг ҳар чоғ,  
Келинг, бўлайлик ўртоқ!





## ДИЛСОРА АБДУСАТТОРОВА

*1998 йилда Пискент туманида туғилган. Унинг ижод намуналари «Пискент ҳаёти», «Тошкент ҳақиқати», «Соғлом авлод», «Халқ сўзи», «Тонг юлдузи» газеталарида, «Гулхан» журналида чоп этилган. Шу кунгача унинг «Эзгулик», «Нигоҳимдаги одамлар» номли китоблари нашрдан чиққан.*

### ТОНГГИ ЁМҒИР

Тўсатдан ёққан шаррос ёмғирнинг шовқинидан уйғониб кетдим. Осмон этагидаги элас-элас ёғдуни айтмаса, ҳали тонг отмаган, борлиқ ором оғушида эди. Ёзнинг қоқ чилласида ёққан ёмғирнинг шаштини қаранг... Туриб, деразамнинг қанотларини кенг очдим. Салқин, ёқимли шаббода хонани ёмғир ва гулларнинг ҳиди билан тўлдирди. Ана, ҳовлидаги дарахтнинг барглари томчиларга ҳовучини тутиб, қувончдан рақс тушаётгандек ялтиллаб кўринмоқда. Бемаврид ёмғир дов-дарахтларга шу қадар хуш ёқаяпти-ки... Шу пайт ҳовлида кимдир куймаланиб юрганини пайқаб қолдим:

– Ким у ? Бувижон, сизми?

– Ҳа, болам, менман. Ариқ тўлиб оқаётганидан хавотир олдим. Сув йўли ёпилиб қолса, ҳовлини сув босиб кетмасин деб гимирлаб юрибман-да, қизим.

– Ёзда шунақа ёмғир ёққанини энди кўраяпман. Табиат ҳам ғалати-я... Буви, бўлди қилақолинг, шамоллайсиз...

Нимчасини бошига ёпиниб олган бувим ҳовлининг ҳамма тарафини кўздан кечириб чиққандан кейингина

сал хотиржам бўлди ва табиат ҳақидаги шунчаки айтган гапимга жиддий жавоб қайтарди:

– Нега табиат ғалати бўларкан, болам?! Ҳар бир ҳодисанинг тагида моҳияти бўлади. Тасаввур қил, жазирамада қақраб ётган қанча ерларга, қанча дов-дарахтларга Яратганнинг ўзи ёмғир юборди. Шу биргина ёмғир туфайли ўт-ўланларга жон киради, чанг-ғуборлар ювилади. Ахир бу мўъжиза-ку, қизим...

Бувим уйга кириб кетгунларича орқаларидан қараб қолдим. Қандай ажойиб бувижоним борлар-а... Ахир ростдан ҳам биз яшаб турган олам нақадар чексиз, нақадар сир-синоатларга тўла. Кўзимиз кўриб, қалбимиз ҳис қилиб турган замин у осмон ана шу чексизлик олдида миллиардлардан бир парча бўлса не ажаб?! Шу оламда яшаётган биз одамлар-чи? Бувимнинг доим такрорлайдиган бир гаплари бор: Инсон дунёнинг буюклиги олдида бир зарра холос, аммо унинг қалби меҳр-муҳаббати ва яратувчанлиги билан дунё қадар улуғвор ва шарафлидир.

Бир китобда ўқигандим. «Инсон» сўзи арабчадан таржима қилинганда «Унутувчи» деган маънони берар экан. Унутиш яхшими ёки ёмонми? Қаердан келганимиз, нега келганимиз ва қаерга кетажанимизни биламизми? Бизни қуршаб турган ёруғ олам, осмон, сон-саноқсиз юлдузлар, кўёш, ой... Улар қачондан бери мавжуд? Булар бўлмаган замон бўлганми? Мен бунақа саволлар билан бувимнинг бошини кўп қотирганман. Жавобини билсам ҳам ҳозир яна шулар ҳақида ўйлай бошладим: Табиатда буғланиш ҳодисаси бўлмаса ёғингарчилик ҳам бўлмаслиги мумкин эди. Хўш, ўз ақлу иродаси билан бутун мавжудот устидан ҳоким бўлган, тенгсиз заковати ила кўкларда учиб, денгиз тубига тушиб, энг нозик ва қудратли асбобларни ярата олган одамзод табиатнинг оддий ҳодисаларини бажара оладими? Йўқ! У қанчалик қудратли куч ва салоҳиятга эга бўлмасин, бир қум донасида йўқдан бор қила олмайди.

Инсон – буюк кўчирмачи, буюк тақлидчи. У бепоён борлиқдан кўчиради ва ўзига мослаштиради. Худди

самолёт қушларнинг парвозидан, кемалар оққуш-у ўрдакларнинг сув юзида сузиб юришидан тақлидан олингани каби. Тонгги ёмғирдан илҳомланиб кўнглимдан ўтаётган фикрлар ҳам эҳтимол кимнингдир китобида ўқиганларимнинг такроридир. Йўқ-йўқ, «кимнингдир» эмас, бувижонимнинг қалб китобидан ўқиган ва уққанларим...

Ана, тонг оппоқ оқарди, ёмғир ҳам тинди. Муздек-кина мусаффо ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олдим. Булутлар тарқаган зангори осмонга тикилган кўйи, кўнглимдан галати бир ўй ўтди: агар инсон тақлидчи бўлса, мана шу тонгги ёмғир менинг умримга мазмун ва қиёс бўла олиши мумкинми? Ахир марварид томчилар каби чанқоқ дилларга ҳаёт бахш этиш, оламни гўзаллик ва яхшилик билан безаш, ҳар тонг янги умид билан очилган деразаларга муаттар бахт насимини олиб кириш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Лекин... ростдан ҳам ёмғирга айланиб қолсам, қайси юртнинг осмонидан ёққан бўлардим, қайси денгиз ёки дарёга қўшилардим, кимнинг ҳовлисидаги ариғини тўлдириб, бувисининг ҳеч қайси китобда йўқ ҳикматларини эшитардим? Ўшанда қайси қиз деразасини очиб кўйиб мен билан дунё ҳақида ҳаёлан суҳбат қурарди...

– Ие, ҳалиям шу ерда турибсанми, болам. Юр, нонушта қилайлик. Ўқишингга кеч қоласан-а... Ўзи нималарни ўйлайверасан-а, қизим?!

– Агар ёмғир бўлганимда кимнинг осмонидан ёғиб, қайси тупроққа сингиб кетган бўлардим, деб ўйлаётувдим...

Остонада менинг чойга чиқишимни кутиб турган бувим кулиб юборди:

– Аллақачон жаннатмакон юртимизнинг осмонидан ёмғир бўлиб ёғиб, бувижонингнинг меҳр-муҳаббат тупроғига қоришиб бўлгансан, болам!!!

Мен бувимни қучиш истагида унинг бағрига отилдим...

## ЙЎЛДА

Оиламизда Тошкентга бориш учун бирор сабаб пайдо бўлдим, ўша кун мендан бахтиёрроқ, мендан чаққонроқ одам йўқ. «Сен уйда қолиб ишларингни қилгин» деган одатий сўзга ўрин қолдирмаслик учун ҳамма ишларимни бир кун олдин бажариб, ҳаммадан олдин йўлга ҳозирланаман. Чунки гўзал пойтахтнинг мунаввар кечаларини томоша қилиш, кўркам кўчаларида сайр қилиш менга ҳузур бағишлайди. Ўзимни худди ҳозиргидан анча улғайиб қолгандай ҳис қиламан. Катта, чиройли автобусларга чиқиб қолсак, тамом, йўл бўйи кўрган-билганларимни ўзимча таҳлил қилишга тушаман. Қизиқ-да, бир-бирини таниб-танимайдиган одамлар то манзилга етгунларича ғаройиб уйчага жам бўлишиб, ҳаётларининг бир неча дақиқаларини бирга кечиршади. Турли қиёфалар, турлича ҳангома-ю, ибратли воқеалар... Бугун ҳам шундай бўлди.

Биздан олдинги ўриндиқда ўтирган онанинг қўлидаги бола негадир бесаранжом бўла бошлади. Чиптачи аёл улар тушадиган манзилни эълон қилди. Болали аёл ё эшитмади ёки ухлаб қолганми, ўрнидан қимирламади. Атрофдагилар уни ҳолдан тойиб ҳушини йўқотмаганмикин, деган хавотирда юзига аста уриб уйғотишди. Бола эса онасининг қўлларидан тортқилаганча, уни ўрнидан туришга ундарди. Кейин билсак, аёл маст экан. Боласини силтаб, тилга олиб бўлмайдиган сўзлар билан жеркиб, гандираклаганча автобусдан тушиб кетди. Одамларга жавдираб, йиғлаганча кетган болани ўйлаб, юрагим ғашланди...

Кейинги бекатда жажжигина қизалоқни етаклаган аёл автобусга чиқди ва бояги маст хотин тушиб кетган ўриндиққа ўтирди. Беихтиёр уни кузата бошладим. Аёл боласини тиззасига ўтқазиб, сумкасидан момиқ ўйинчоқ олди-да, «асал қизим, қуёнчанг ҳам сени кун бўйи соғиниб қолди» деди. Кейин боғчада қандай янги шеър ўрганганини сўради. Қизча бийрон-бийрон тиллари билан янги ёдлаган шеърини ўқий кетди... Унга нафақат

онаси, атрофдагилар ҳам маҳлиё бўлиб қараб туришарди.

Икки ҳолат, икки тақдир... Фарзанд деган буюк неъматнинг икки хил қисмати... Ана шу икки йўлдан бирини афсуски, фарзандлар эмас, ота-оналар танлайдилар. Фарзанд – Яратганнинг инъоми – унда келажак яшайди! Автобустга чиққан иккала аёл оддийгина боласини эмас, ўзининг кексалик қисматини етаклаб юрганини билишсайди...

## АКА-УКА

Комил билан Сарварнинг ораси фақат бир ёшга фарқ қилади. Бўйлари ҳам, қош-кўзлари ҳам шу қадар ўхшашки, ташқаридан қараган одам бу ака-укаларни эгизаклар деб ўйлаши шубҳасиз. Бироқ, уларнинг феъл-атвори, дунёқараши, ҳатто қизиқишлари ҳайрон қоларли даражада бошқа-бошқа. Шунданми, жуда кўп баҳслашишади. Бирининг фикри иккинчисиникига тўғри келмай, баъзан жиддий тортишиб ҳам қолишади. Бугун ҳам шундай бўлди.

Сарвар онасининг ишдан чарчаб қайтишини ўйлаб, у келгунча акаси билан уйни саранжом-сариршта қилиб қўймоқчи бўлди. Диванда китоб ўқиб ўтирган Комил эса Сарварнинг режасини пинагини бузмай қабул қилди:

– Жуда яхши-да, ука, бекор ўтиргунча ҳаммаёқни озода қилиб қўйсанг ойим хурсанд бўладилар. Аслида қизлар қиладиган ишни сен жуда яхши эплейсан...

– Ака, кўп гапирмасдан оёғингизни кўтаринг, гиламни тозалаб олай. Кейин-чи, ака, одам ҳадеб бефойда гапларни гапиравермасдан, фойдалироқ иш билан шуғулланиши керак... – ростакамига жаҳли чиқди Сарварнинг.

– Вой-вой-ей... Уй супуриш фойдали ишми? Мана мен, ўқиган китобларимни санаб берсам...

– Нима, ўша китобларнинг бирортасида ота-онага ёрдамлашиш уят деб ёзиб қўйилибдими, ҳурматли файласуф?!



— Файласуф бўлсам сенга нима, галварс. Билсанг, дунёдаги оддий одам ечолмайдиган жумбоқларга файласуфлар жавоб топиб берадилар. Масалан, қани бир ўйлаб кўр-чи, товуқ олдин пайдо бўлганми ёки тухум?

— Бунақа бемаъни саволлар билан бошимни қотирманг. Ундан кўра, манави деразангизни артиб олинг, профессор, — Сарвар шундай деб чўнтагидан дастрўмол чиқариб, Комилнинг кўзойнагини артди-да, кулимсираганича акасининг кўзига тақиб қўйди.

— Мен «Олам ва одам» деган яхши бир китоб ўқидим, — деди Комил укасидан «енгилиб» қолаётганига кўзи етгач. — Инсоннинг феъли жуда тез ва осон ўзгарар экан. Шунинг учун уни тушуниш қийин бўлса керак... Худди сенга ўхшаб...

— Шунақа эканми? — деди босиқлик билан Сарвар. — Лекин ўша китобдан менинг ҳам озгина хабарим бор. Тушунишимча, инсоннинг феъли ва дунёқараши ўз-ўзидан осонгина ўзгариб қолиши ҳақида эмас, унинг ўзи яшаб турган замон ва маконга мослашуви ҳақида гап боради ўша китобда. Масалан, дарахт... У ёзда мева беради, кузда баргини тўкади, қишда уйқуга кетади, баҳорда яна гуллайди. Кўрдингизми, табиатга, фаслга мослашайпти. Лекин ҳамма вақт ҳам дарахтлигича қолмоқда, бута ёки бегона ўтга айланиб қолмаяпти-ку!... Инсон ҳам шундай!

— Ўзингни жудаям ақлли кўрсатма, барибир олим бўлмайсан, оийсининг эркатойи. — Укасининг жавобидан нима деярини билмай қолган Комил яна «хужум»га ўтди. — Эсингдан чиқарма, ёшим сендан бир ёш катта, сен мактабда қувлашмачоқ ўйнаб юрган вақтингда мен олийгоҳ талабаси бўлган бўламан. Балки ўшанда оламшумул кашфиётим билан машҳур бўлиб тилларга тушиб кетсам, сен «акажон, келинг, протфелингизни кўтариб юрай» деб ёнимда гирдикапалак бўлсанг ажабмас. Лекин, укалик ҳурматинг бор, техникагами, спортгами, қизиқишинг бор эди шекилли-а? Бир оғиз илтимос қилсанг, сени ўзимга ҳайдовчи қилиб оламан!

Шу жойда кимдир баҳсни тўхтатмаса, жанжал чиқишини сезган Сарвар «Катта бўлаверайлик-чи, кўрамиз» деди-да, ошхонага кириб кетди. У ойисидан ўрганган енгилгина тушлик овқатни тайёрлаб бўлиб, хонага қайтиб кирганида, акаси китобни бошига ёстиқ қилганча уйқуга кетган эди.

– Эй, хаёлпараст ака, туринг, эшикни ёпиб олинг, мен кетаяпман. Овқат тайёр, қорни оч олимнинг калласига китоб кирмайди. Тушлик қилиб олинг.

Комил укасининг самимий қочиримига жавоб бўладиган жўяли гап тополмай, ётган жойида унга ёлғон пўписа қилди:

– Э йўқ, бе йўқ қаерга отланаяпсан. Катталардан сўраш деган нарса борми ўзи сенда?

– Ойим биладилар. Тўгаракка кетаяпман, кейин сузишдан машғулотим бор. Кечга қолсам, хавотир олиб юрманглар, ишдан қайтишида дадам йўл-йўлакай олиб келарканлар... Сизни хаёлий кашфиётларингиз билан ёлғиз қолдираётганим учун, узр, акажон!

Сарвар чиқиб кетгач, унинг изидан ҳавас билан қараб қолган Комилнинг кўнглидан «хаёл бошқа, ҳаёт бошқа» деган фикр ўтди. Ва ўзининг дангасалигидан, бирор ишга уқуви йўқлигидан, дадасининг китоб жавонидаги китобларни астойдил қунт ва хоҳиш билан эмас, шунчаки уй юмушларидан қутулиш учун кўлига олаётганидан уялди. Шунда ўқитувчисининг «Орзу қилиш айб эмас, аммо унга етмоқ учун аниқ мақсад ва интилиши бўлмаган одам охир-оқибат ўз орзуларининг қотилига айланиши мумкин» деган гапларини эслади.

Комил ғалати ўй-хаёллар гирдобида овқатни қандай еб бўлганини ҳам сезмай қолди. Уни хаёлпарастликда очикчасига айблаган укасидан бир оз ранжиган кўйи, аввал дуч келган саҳифаларидан у-бу фикрларни ёллаб олган, аслида эса умуман ўқимаган «Олам ва одам» китобини бошқатдан кўлига олди. Алоҳида меҳр ва иштиёқ билан...

Бу унинг ўз орзулари томон қўйган илк рост қадами эди...

## САБОҚ

Нодиржон билан синфдошлари гаплашмай қўйишди. Чунки унинг кўпчиликка ёқмайдиган қилиқларига, тўғрироғи, худбинлигига бутун бир синф шундай «чора» қўллади. Хўш, кейин нима бўлди, дейсизми?

Гап шундаки, Нодиржон яхши ўқиса-да, бошқа синфдошлари билан дўстона муносабатда бўлолмайди. Билафонлик ва зўравонлик унинг доимий одати. Масалан, танаффус пайтида бошқаларни туртиб-суриб навбатдан олдин овқат олади. Ҳаммага лақаб қўяди. Ўзлаштиришдан қийналиб қолган ўртоқларига ёрдам беришни хаёлига ҳам келтирмайди. «Мен» дейишни яхши кўради.

Хуллас, «гаплашмай қўйиш» чораси Нодиржонга заррача таъсир қилмаётганини кўрган синфдошлар уни тарбиялашнинг янги йўлини топиш учун ўзаро маслаҳат мажлисини чақирди.

— Нодир ёмон бола эмас-у, қизғанчиқлиги ёмон-да. Бошқаларни ноқулай вазиятга тушириб қўйиб, ўзи маза қилиши ҳаммасидан ўтиб тушади. Хўш, нима қиламиз, болла?!

— Ўзи тайинли таклифлар борми?

— Бор, устозга айтамиз!

— Йўғ-е, бу чақимчилик дейилади...

Мажлис узоққа чўзилди. Бирор маъқул тўхтамга келолмай, барчанинг тоқати тоқ бўлди.

— Мен кетмасам бўлмайди, — деди Малика, — Ойим дарсдан кейин кўп ушланиб қолма, девдилар. Уйдагиларнинг ҳаммаси ишда. Янги туғилган уч эгизак кучукчамни тезроқ бориб овқатлантирмасам, ўлиб қолишади...

— Болла, топдим! — шу топда Равшанжоннинг кўзлари қувончдан чарақлаб кетди. — Ўқитувчимиз ҳар ким ўзига ёққан бирорга уй ҳайвонини боқиб парваришласа, унда гамхўрлик ва атрофдагиларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш фазилати шаклланади, дегандилар. Шу гап эсингиздами? Эртага Нодиржоннинг

туғилган куни. Таклиф қилмасаям уни табриклагани борамиз. Биласизларми, унга нима совға қиламиз?...

Болалар Равшанжоннинг топқирлигига қойил қолиб, қарсак чалиб юборишди.

Безатилган дастурхон атрофида ўтирган Нодиржон ўртоқларини таклиф қилмаганига бир томондан афсусланса, иккинчи томондан бир оз хурсанд эди. Чунки мазали, катта тортнинг кўпроғини ўзи ейди-да.

Кутилмаганда эшик қўнғироғи жиринглаб, болаларнинг таниш овозлари эшитилди. Ўртоқларим келмасаям хафа бўлмайман, деб ўтирган Нодиржоннинг кўзларида қувонч, юрагида аллақандай ҳаяжон пайдо бўлди.

— Туғилган кунинг билан табриклаймиз, — деди Одилбек барчанинг номидан ва унга чиройли қутича совға қилди. — Очиб кўр, совғамиз ёқармикин?

Қутичани очиб, ташқарига чиқиш учун талпинаётган оппоқ, момик кучукчани кўриб Нодиржон хурсанд бўлиб кетди.

— Ростдан ҳам шу чиройли кучукча менгами? — сўради у кўзларига ишонқирамай.

— Ҳа, деди Малика. — Бу жуда ноёб итнинг боласи. Одамга меҳрибон, ҳамма гапингга тушунади. Фақат уни яхши парваришлаб, яхши одатларни ўргатсанг бас...

Ана шундан бери Нодиржоннинг мактабдан чиққач, йўл-йўлакай ёш болаларнинг қулоғидан чўзиб сумкасини кўтартирадиган, қизларнинг сочини тортиб, масхаралайдиган одатлари йўқолди. Чунки бунга энди унинг вақти йўқ — совғани «боқиш» керак! Кучукча ҳам унга жуда ўрганиб қолган. Нодиржонни оёқ товушидан танийди, уйга кириши билан унга суйкалиб, атрофида айланиб ўйнай бошлайди. Нодиржон ҳам мамнун. Кучукчасига «Бойқадам» деб лақаб қўйди. Албатта, дўстлари билан маслаҳатлашган ҳолда...

Хуллас, шу кунларда синфдошлар ўзларидаги ғаройиб тажрибани бошқа синфларда ҳам қўллаб кўришни маслаҳат бериб юришибди...



## ЮНУСБЕК АБДИЕВ

1989 йилда Паркент тумани Бўстон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Қирғизовул қишлоғида зиёли оиласида туғилган. 2008 йилда Тошкент шаҳридаги Мирзо Улуғбек номли информатика касб-ҳунар коллежини тугатган. Меҳнат фаолиятини 2008 йилда Юқори Чирчиқ тумани давлат санитария эпидемиология назорат

марказида компьютер операторлиги вазифасидан бошлаган. 2012 йил январь ойидан ҳозиргача Юқори Чирчиқ тумани «Юқори Чирчиқ ҳаёти» газетасида меҳнат қилмоқда.

Эътироф

### ТОҒНИНГ ЮКСАКЛИГИ БАҒРИДАГИЛАРГА БИЛИНМАЙДИ

Одамнинг шаклу шамойили, бўй-басти, кўз қарашлари, хуллас, ички ва ташқи дунёси унинг таваллуд топган, униб-ўсган ва камолотга етган жойига монанд бўлади. Гапнинг қисқаси одам ўз Ватанининг бир заррасидир. Шунинг учун ҳам Ватан муқаддас, Ватан буюк, Ватан суюқдир. Аммо тоғнинг баландлиги уни бағрида юрганларга сезилмагандек, Ватан қадри юртда юрганларга кўп ҳам билинавермас экан.

Ватанга муҳаббат ҳиссини одам ўзга юртларда юрганда яққол сезар экан. Ахир мусофир бўлмагунча муслмон бўлмас, деб бекорга айтишмаган. Бунга мен ўзим гувоҳ бўлганимдан айтаяпман. Ватандан атиги уч ой олисларда юрган бўлсам-да, жаннатмонанд бу гўшани бир неча куннинг ўзида соғина бошладим. Унинг илиқ ҳавоси-ю, олтинга алмашмайдиган тупроғи, замзамдек

тиниқ сувларини одам жуда тез қўмсар экан. Биринчи ота-онамни, кейин яқинларимни, ўзим югурган ўша тор кўчаларни, ўқиган мактабимни, хуллас киндик қоним томган тупроқнинг ҳамма нарсасини орзиқиб қўмсадим. Ўша онларда тушундимки Ватанни бежиз онага қиёс этмас экан.

Ҳа одам бир дам бўлса ҳам, унинг тафтини ҳис қилмай яшай олмайди. У ерда қариндошларим бўлса-да, ҳеч камчиликсиз юрсам-да, ёш боладек уйимни, ота-онамни, гўзал Тошкентимни соғиндим. Ўзимни негадир ёлғиз қолгандай, ҳимоясиздек сеза бошладим.

Ўша уч ой мен учун уч йилга татиди. Лекин поччамга, опамга бўпти уч ой тураман, деб ваъда бериб қўйганим сабабли лабзсизлик қилолмадим. Гарчи уларнинг эъзозида юрсам ҳам, ҳеч нарсадан кам бўлмасам ҳам қайтадиган кун яқинлашган сари негадир ичимдан қувониб, антикардим. Ниҳоят ўзим интиқ кутган кун ҳам келди. Ватан сарҳадига яқинлашганим сари туғилиб ўсган юртнинг илиқ тафти ўзига янада кучлироқ тортаётгандек эди. Ўзбекистон чегарасига кирар эканман у ерда Ватанни қўриқлаётганларни кўриб ҳалигина юрагимни кемириб келаётган қўрқув, ҳимоясизлик ҳисси ўз-ўзидан йўқолгандек бўлди. Тўғриси Ватанимиз сарҳадларида кеча-ю кундуз сергак туриб, юрт тинчлигини, халқ хотиржамлигини таъминлаётган ҳимоячиларимизга ҳавасим келиб, қалбим фахрга тўлди.

Дарвоқе, ўзбек ўғлонларининг ватанпарварлик садоқатига вақтида дунёни қилич билан олган Чингизхон ҳам тан бериб, садоқатига лол қолган. Бунга мисол қилиб Жалолиддин Мангубердиннинг жасоратини фахр билан кўрсатиш мумкин. Чунки бутун аскаридан ажраб қолган ҳолда ҳам у Ватан учун курашиб, шаҳид бўлган. Унинг жасоратига қойил қолган Чингизхон ўзининг саноқсиз қўшини орасида битта бўлса ҳам шундай аскар, шундай ўғлон бўлишини армон қилиб: «Агар менинг аскарларимда ҳам шундай, шу ўзбек ўғлонидай жасорат бўлганда эди, мен дунёнинг ярмини эмас, ҳаммасини олардим», деган экан. Бугунги ўзбек

ўғлонлари ҳам худди шундай Ватанни ҳимоя қилмоқда. Бизда ҳозир кучли армия, замон талабларига тўла жавоб берадиган мудофаа қудрати бор. Унинг сафида хизмат қилаётган бугунги Жалолиддинлар ҳам Ватан учун жонларини фидо қилишга тайёр бўлган ҳақиқий Ватан кўриқчиларидир. Улар бор экан, биз шодон кулиб, очиқ осмон остида эркин нафас олаверамиз.

*Ҳаёт сабоқлари*

## ОЛТИН ЗАНГЛАМАЙДИ

Ҳаёт жуда қизиқ. Кечагина қийинчиликлардан бошини қаерга уришни билмай юрган Бибинисо бугун фарзандлари ардоғида. Ҳатто қатордаги қайнона бўлишга ҳам улгурди. У бу шарафга етгунча не-не заҳматларни бошидан ўтказмади. Бугун эса ундан бахтли одам йўқ. Илк неварасининг ёқимтой қилиқлари, келинининг меҳрибончилиги, фарзандларининг мўмин-қобил бўлиб вояга етганини кўриб, у ўтган кунларидан ачинмайди. Ҳозирги турмушига шукроналар келтириб, ҳалолликда ҳикмат кўплигидан қувониб яшайди.

Турмуш ўртоғидан эрта ажраган бу аёл елкасини тақдир зарбаларига ёлғиз тутган бўлса-да, ҳаётнинг баланд-пастликларидан бирдек мағрур ўта олди. Фарзандларини ота меҳрига ташна қилмади. Уларга доим ҳалол меҳнати мевасини едирди, ҳаромдан ҳазар қилиб яшашни ўргатди. Элдан эрта туриб, кеч ётди.

Ерга меҳрини бериб, тинимсиз меҳнат қилди. Бу ишларни Бибинисо ёлғиз қилишга мажбур эди. Чунки хожасини тупроққа топширган дамларда унинг фарзандлари ҳали кетмон ушлашни эмас, супурги тутишни ҳам эпполмайдиган болалар эди. Эҳтимол ана шу жажжи ўғил-қизларини оёққа турғизиш, қаторга кўшиш илинжи унинг барча ишларга улгуришига, баъзи эркаклардан-да матонатли бўлишига қувват бўлгандир.

Дарҳақиқат бу, эҳтимол эмас, бор гап. Бир сафар укаси Қосимнинг шоҳидлигида онасининг Бибинисога:

«Қизим агар яхши бир инсон бўлса, турмуш қурсанг бўларди» деган таклифига: «Йўқ, онажон! Мен набираларингиз кўзларини жавдиратиб асло турмуш қурмайман. Эндиги ҳаётимни уларнинг бахти учун тикаман. Сира хавотир бўлманг, мен оиламиз шаънига ҳам, ўзимнинг номимга ҳам ёмон сўз келтирмайман. Ёдингизда бўлса, раҳматлик бувам: «Олтин зангламайди болаларим» деган гапни бот-бот айтарди. Мен ҳам ўзимни бувам назарда тутган олтиннинг бир зарраси деб биламан» дея йиғлаб юборганди. Қосим эса бу гапни ботинан маъқуллаб турса-да, опасининг кўнгли учун онасини койигандек бўлганди. Гарчи мазкур таклиф кўпдан ўзини ҳам ўйлантириб юрган бўлса-да, ди-лидагини тилига чиқариб қўймаганидан қувонган ҳолда, опасига олдингидан-да, кўпроқ ёрдам бера бошлаганди.

Ҳа, вақт деганлари бамисоли оқар дарё экан. Шиддат билан олға интилиб қанча кунларни, неча йилларни ортда қолдирди. Қосим опасидан бир хабар олиш мақсадида йўлга тушди. Баҳор фасли эмасми, майдалаб ёғаётган ёмғир танга ҳузур бағишлайди. Опасининг уйига кириб борар экан, жиян келини уни илиқ қарши олиб, ичкарига таклиф қилди. Қосим дарвозахона тўридаги баланд сўрида ўтирган опасини кўриб қувонди, ҳавас қилди. Унинг ўтириши ўзига чунонам ярашганки, худди тахтда ўтирган маликалардек. Бибинисо ҳам ўрnidан аста туриб, укасини очиқ чеҳра ила сўрига таклиф этди. Опаси билан сўрашар экан унинг кўзида қувонч чақнарди.

Ҳалигина шиббалаётган ёмғир тиниб, Бобо қуёш борлиққа яна ёғду соча бошлади. Қосим атрофга ўйчан нигоҳ ташлади. Сўри ёнидаги ўрик баргларининг учига ора-сира сирққан томчилар паға-паға бўлиб бўлақларга бўлинаётган булутлар орасидан мўралаётган қуёш нури биллурдек товланмоқда. Фасллар келинчаги кўкламнинг ўткинчи ёмғирига юзини чайган ям-яшил япроқларнинг сарин шабадада енгил титраши ҳам ажиб манзара кашф этган. Шу тобда бундай бетакрор гўзалликларни опаси



матонатига менгзаган Қосимнинг қалби ифтихорга тўлиб-тошди. Зеро у, ҳар қанча қувониб, денгиздек тўлқиса арзийди. Чунки опаси Бибинисо буваси таъкидлаганидек олтинга занг эмас, чанг ҳам қўнмаслигини амалда исботлаб улгурган эди-да!

## МУНГ БОСМАСИН МАЖНУНТОЛЛАРНИ

Борлиқни ўраб турган Она табиат нақадар гўзал. Кўзни қувонтирадиган гуллар, дастурхонларимизни безаётган мевалар ва иссиқликдан сақлаётган дарахтлар. Бу гўзалликларни кўриб, ҳис қилиб дилинг яйрайди. Асрларни қаритган арча ва виқорли чинорларни кўриб табиат бизни умрбод асрашини сезиб қувонамиз. Йўллар ва йўлақлар четига экилган ниҳоллар ҳам эртага бўй чўзиб кўчаларимиз кўркига кўрк бағишлайди. Керак бўлса улар, сизу биз ютаётган ҳавони ҳам тозалайди. Қаранг, табиатнинг инсониятга бераётган ҳадсиз меҳрини. Худди меҳрибон онага ўхшайди. Эҳтимол шунинг учун уни Она табиат десалар, керак! Лекин шундай кимсалар борки, шу она табиатни йиғлашга мажбур қилмоқда.

Содиқ ўз шаҳрининг кўркига кўрк бераётган боғлардан бирини оралаб борар экан, у ердаги айрим ҳолатларни кўриб лол бўлди. Бир зум қарахт ҳолда турди-да, аста сув ёқасидаги сояси қуюқ мажнунтол томон юрди. Унинг сувга теккан шохларини кўриб, бир оз завқ олди. Аммо бу ҳам узоқ чўзилмади. Мажнунтол танасидан сизаётган сув худди унсиз йиғлаётган болалардек уни сергак торттирди. Не кўз билан кўрсинки тол танасига кимдир «А» ҳарфи билан телефон рақамини ёзиб қолдирибди. Сизаётган сувни мажнунтолнинг ўйиб ёзилган жойидан оқаётган ёшдек ҳис этган йигит кўнгли алланечук бўлиб кетди. Ҳозиргина сувга юзини чаяётгандек унга завқ берган мажнунтол шохлари энди у учун нақадар мунгли, нақадар дардли, нақадар ғамгин бўзлаётгандек эди:

«Эй одамлар нега шундайсизлар? Бирингиз қўллаб кўқартирсангиз, бирингиз хўрлаб танани тирнайсиз.

Менинг айбим нима? Соямни кўланка қилганимми ёки эгилган шохларим? Агар билсангиз шу шохларнинг эгилишида ҳам сизларнинг ҳиссангиз бор. Чунки ҳар куни турфа одамлар шу ерга келиб дардлашадилар. Кимлардир кимгадир менинг соямда севги изҳор қилади. Баъзилари эса бир-бирини шу ерда алдаб, бадном қилиб, бу ёлғонларга мени ҳам гувоҳ этиб кетишади. Бу ҳам етмагандек мана бундай танани ўйиб, яралаётганлари қанча? Неча-неча яраларни вақт даволаб битирди. Аммо, яна қанчаси кўксимни кемиради билмайман.

Мен сувнинг совуқлигидан эмас, балки шундай лаинлар орангизда ортаётганидан титрайман. Уларни кўрганда дарахт бўлиб яралганимдан ҳам қувонаман. Майли сизлардек ўйнаб кулмасам ҳам, гоҳ қоқилиб, гоҳ тўғри юрмасам ҳам, танамдаги ёзувларни ўқий олмасам ҳам, ҳартугул бировга зиёним тегмайди-ку! Эй инсон дея аталгувчи улуғ зот! Мен ҳамма шундай демоқчи эмасман. Яхшилар ҳам кўп ҳали дунёда. Шунинг учун дунё кўркам, олам гўзал... Акс ҳолда аллақачон борлиқ остин-устун бўлиб кетардиёв?! Яна қайдам...»

Ҳа, чуқур ўйга толган Содиққа мажнунтол шундай нидо билан шивирлагандек эди. У диққатини жамлаб яна қадди дол бўлди гўё. Дунёнинг бурчак-бурчакларида турли офатлар бўлаётганини ёдга олди. Кунчиқар тарафда борлиқни ер ютаётган бўлса, Ғарблагиларнинг тошқинларга фарқ бўлиши аянчли. Уммон ортидагиларни тўфонлар гирдобиди қолиши ҳам ачинарли. Наҳотки бизнинг ножоиз ишларимиздан табиат тебраниб тошаётган бўлса?! Ношудларимиздан бардоши тугаб, қаҳр отига минса?.. Бундай ҳадсиз саволларга жавоб тополмай қийналган Содиқ овозининг борича: «Ҳай-ҳай, азизлар! Келинг, бемехрликка барҳам берайлик. Сизу бизнинг касримизга мунг босмасин мажнунтолларни» дея ҳайқириб юбораёзди...

## ОХИРЗАМОН НИШОНАСИМИ?

Аброр оиланинг кенжа фарзанди. Унинг бу йил оила курсам, деган нияти бор. Далада деҳқончилик қилиб оилани таъминлайдиган у ва кичик акаси Собир. Кузда хирмонлари баракали бўлганидан қувонган акаси оиланинг қишки захирасидан ортган даромадига 3-4 бош мол олиб, қолганини кейинги йил дала ишларига сарфлаш учун сақлаб қўйганди. Аброрнинг ниятини англагач, бир оз ўйланиб қолди. Сўнг бу гапни турмуш ўртоғига айтди. Нигоранинг буни яхши қабул қилиб: «Келинг бу йилги фойдамизга шу укангизни бошини иккита қиламиз бўлмасам» дейишидан Собирнинг кўнгли тоғдек бўлди. Аммо аёлининг: «Қайноға ҳам ёрдам берар» деганидан яна ўйга ботиб: «Билмадим унинг уй-жойи бўлак. Ўзига яраша ташвиши бор» деб қўяқолди.

Чунки у акасининг феълини яхши биларди. Бундан икки йил аввал Акмал укаларини боғидан четлатиб, ўзи билан ўзи бўлиб кетганди. Ўша йили оиласи анча танг аҳволда қолиб, қишдан аранг чиққанини эслаган Собир ичдан зил кетди: «Наҳотки акам бермаган меҳрни шу аёл берса...». Эртаси куни нонушта вақтида ўғлидан бу гапни эшитган она қувончини кўрсангиз эди.

Маслаҳатга чақиришган куни Акмал: «Мендан мурувват кутманглар» деди. Уйдагилар Аброрни қўшни маҳалладаги ўзи кўнгил қўйган қизга унаштиришди. Кўп узамай тўй ҳам бошланди. Уйга келин келишидан атиги бир кун олдин келган оға: «Ҳамма нарса тахтми?» деди бир туки қилт этмай. Лекин ҳамма: «Бу ишни яхши қилибсан, отангга балли, Акмал!» дея унга таппаккурлар айтарди. У эса: «Раҳмат, раҳмат!» деганча пинагини бузмай турарди. Унинг бунчалик сурлигини кўриб, уйимиздаги кучук билан мушук ўртасида юз берган бир ҳаётий воқеани эсладим.

...Ўшанда мен энди мактабга боргандим. Уйда кичкинагина мушугимиз бўларди. Кунларнинг бирида дадам ёшгина кучукбола олиб келди. Буни қарангки

тез орадаёқ ҳалиги кучукбола мушук билан бирга ўйнайдиган бўлиб қолди. Бунга ҳамма ҳайрон қоларди, жумладан, ўзимиз ҳам. Аммо бир куни тонгда туриб қарасак, кучукча қимирламай ётарди. Мушук эса унинг бўйнига бошини қўйиб олган. Аввалига уларга аҳамият бермадик, кейин дадам: «Йўлбарс, йўлбарс!» дея кучукни чақирди. Келмагач, уларнинг олдига ўзи борди. Не кўз билан кўрайлик, кучукча ўлик ҳолда ётарди. Мушук эса мунгли нола қилиб, унинг бўйнига бошини қўйиб олганди. Бу ҳолатдан даставвал лол бўлган дадам кучукнинг ўлигини қаёқларгадир обориб кўмиб келди. Мушук эса шу ердан уч кунгача кетмай айланиб юрдида, тўртинчи куни қаёққадир ғойиб бўлди. Шу-шу у қайтиб келмади...

Қаранг, бирининг соясини иккинчиси хушламайидиган бу икки уй жониворлари бир-бирига қанчалик меҳр қўйишган. Ҳатто дўстлашиб ҳам улгуришган. Наҳотки ҳозирда баъзи инсонлар орасида улар ўртасидагидек ҳам меҳр қолмаётган бўлса?! Ёки бу чиндан ҳам охирзамон нишонасими?! Йўқ, йўқ... Бундан Ўзи асрасин!

*Ҳикоя*

## СИРГЛОН

Атрофни ажиб гўзаллик қуршаган. Кеча яқиндагина қишнинг оппоқ кўрпаси — қор тагида тин олиб ётган Она замин бугун яшилликка бурканган. Борлиққа боқиб тўймайсан, киши. Туғилиб-ўсган қишлоғи тоғ бағрида бўлган Қосим дўстлари билан милтиқни елкага ташлаб овга отланди. Ерга ниш уриб, юқорига бўй чўзган майсалар анча кўтарилиб қолган.

— Бундай вақтда овчининг ошиғи олчи турса зўрда, — деди Нажмиддин шерикларига.

Ҳамма овимиз бароридан келсин, деган ният билан қишлоқдан олислади. Уларни асрларни қаритган арчалар, кўкка бўй чўзган виқорли чўққилар кучоқ очиб қаршилаётгандек, ўзига тортарди гўё.

Тоғ бағридаги сўқмоқ йўлда бораётган овчилар нигоҳи ногаҳон кунгай тарафдаги дарада ўтлаб юрган кийиклар галасига тушди. Ҳамма бир-бири билан имо-ишора орқали сўзлаша бошлади. Туёқлари билан ерни аҳён-аҳёнда тирнаб қўйиб ўтлаётган кийиклар шундай чиройли эдики, мерганлар отмасдан аввал бир зум уларни томоша қилишди. Сўнг овчилар кийиклар ўтлаётган дара шабадасига қарама-қарши тарафдаги жилға бўйлаб ҳаракатга тушдилар. Мўлжалга яқинлашган тобда нимадандир ҳурккан кийиклар шитоб билан қирдан ошишга улгурди.

Уларнинг изидан бораётган бўрини кўрган Нажмиддин ғазабнок ҳолда милтиқни юзига олиб, тепкини босди. Катта тезлик билан ўлжаси ортидан интилаётган бўри ғайритабиий ингранганча ўзини-ўзи талаб қуйи думалади. Аммо овчилар бундан заррача қувонишмади. Чунки қонга беланган бўрининг кўкрагидан тинмай сут томарди. Демак унинг ҳали ўзини эпламаган болалари бор.

Тасодифан бошига келган бу тўхтадан вужуди ларзага тушган Қосим атрофга зийрак нигоҳ билан разм сола бошлади. Сойдаги қор устида эндигина ғоз-ғоз туриб юра бошлаган чақалоқдек гоҳ думалаб, гоҳ туриб қочиб бораётган бўри боласини кўрганда унинг қалби алланечук бўлиб кетди ва у томон югурди. Онасининг оғиз сутига ҳам тўйиб улгурмаган жонивор беркинишга пана ҳам топмади. Қосим уни осонгина тутиб олди. Овчилар дилига хиралик чўкиб орқага қайтишди.

Ҳовлисининг пастқамгина эшигини аста очган Қосим ичкарига кирар экан, аёли Гулноранинг самимий саломидан сўнг ўғли Муроднинг: «Дада, менга нима олиб келдингиз?» деган саволи юрак-бағрини тил-калагандек бўлди. Ахир унинг хуржунидаги бўри боласи ҳам онаси йўлини худди шундай умид билан кутмаганмиди?! Совуқдан эти жунжикиб, ранг-рўйи бўздай оқарган эрининг аҳволини кўрган аёл тоқати тоқ бўлиб сўради:

— Нима бўлди, дадаси? Тинчликми?

– Тинчлик онаси, тинчлик, – деган Қосим қўлидаги хуржунни Гулнорага узата туриб: – Ичида бўри боласи бор, сут бер бечора очикқандир, – дея тайинлади.

– Қандай бўри боласи?

– Э-эй, Нажмиддин билмасдан она бўрини отиб кўйди. Боласи жуда ёш экан, ушлаб уйга олиб келавердим. Ўзини эплагунча парвариш қилиш керак. Яхшилаб қара, онаси.

Гулнора Қосимнинг айтганини сира икки қилмаган. Шу боис у ҳеч бир эътирозсиз бўри боласи учун товоққа сут қуйди. Аввалига жиндек хуркиброқ турган бўри боласи очлик олдида ожиз бўлганидан сутни паққос тушириб олди-да, илиқ хонада балқиб пинакка кетди.

Шу тариқа тонглар отиб, кунлар ботаверди. Орадан уч ойдан ортиқроқ вақт ўтди. Гулнора ҳам бўри боласи «тилини» анча ўрганиб қолди. Ҳатто уни силаб-сийпаб эркалатиб ҳам қўядиган бўлди. Бўри боласи келган давридагидан ўсиб, ўзини тутиб олди. Кунларнинг бирида Қосим аёлига:

– Энди уни озодликка юборадиган вақт келдиёв, – деди.

– Худди кучук болалардай қўлга ўрганиб қолди жонивор, қўяверинг юраверсин, – деди Гулнора бўри боласини кўзи қиймай.

– Бўри барибир бўрилигини қилади. Уни ўзингга яқинлаштираверма, бехосдан тиш солиши мумкин, – дея рафиқасини хушёрликка чақирди Қосим.

Ўша куни бўри боласи ётоғининг эшигини мерганнинг ўзи беркитди. Субҳидамда уйғонган сахархез аёл ҳовлига чиқиши билан бўри боласи ётоғининг эшиги очик турганини кўриб, уйга қайтиб кирди-да: «Туринг дадаси, Сиртлоннинг эшиги очик, ўзи йўқ» деди. Аммо, Қосим сир бой бергиси келмай: «Кўявер онаси, унинг ҳам озодликда юргиси келган-да» деб қўя қолди. Лекин Сиртлон бошқа қорасини кўрсатмади. Анча вақтгача бутун овул уни эслаб юрди. Кимлардир уни кўрганини айтишса, кимлардир: «У бу ерлардан кетди, энди қайтиб келмайди» дейишарди.

Бир сафар «Овулдан олисламайман, кечгача келиб қоламан» деган ўй билан Қосим овга ёлғиз ўзи отланди. Бироқ унга ҳеч қандай ов дуч келавермади. Шу боисдан у овулдан анча олислаб кетди. Куннинг иккинчи ярмида Қосим саккиз-тўққиз қаричлик тоғ такасига дуч келди. Уни қўлдан чиқармаслик учун қулай жойга бир амаллаб етгач, оёғини кичик бир тошга омонатгина тираб ўлжага ўқ узди. У мўлжалдан адашмади, така жойида қолди. Аммо мерганнинг оёғи бехосдан тойиб, кутилмаганда пастга думалаб кетди.

Кейин нима бўлди? Орадан қанча вақт ўтди, Қосим эслолмайди. Фақат танасига сизган совуқ уни бир оз ўзига келтирди. Унинг юз-кўзлари қон. Боши зирқираб оғриб, кўнгли айнимоқда. У ўрнидан турмоқчи бўлди, удалай олмади. Оёқлари шундай қақшар эдики, худди суякка болта тургандай.

Борлиққа оқшом чўкиб, атрофга тун пардаси ёйилгач, у ер бу ердан бўрилар «уви» эшитила бошлади. Қўрқув билмас овчининг биринчи марта кўнглини гулгула босди. У ожизлик қандай бўлишини илк бора ҳис қилди. Қимирлай деса мадори йўқ. Кимсасиз тоғ қўйнида бақириб-чақириш ҳам фойдасиз. Сал пастроқда ётган милтигини аранг қўлига тутган Қосим тақдирга тан бериб, ғойибдан нажот кута бошлади. Орадан кўп ўтмай жилга бўйлаб ўзи томон яқинлашаётган қандайдир шарпаларни илғади. Яшин тезлигида унинг хаёлига: «Яқинлашаётган бўри эмасмикин?» деган ўй келди.

Ҳа, у адашмаганди. Яқинлашиб ҳамлага чоғланаётган чиндан ҳам бўри эди. Ўзини ҳимоя қилиш учун у милтиқдан ўқ узмоқчи бўлди. Йўқ, аксига олиб анча вақт қор устида қолганидан ўқи намиққан эканми, милтиқ отилмади. Қосим билдики, бу сафар ўзи ўлжага айланган. Йиртқичлар бўлса, унга борган сари яқинлашарди. Ҳеч қуриса бўриларга ем бўлганимни кўрмайин ҳам, куймайин ҳам деган мақсадда у кўзларини юмди. Унинг кўз ўнгида дарҳол ўғли, аёли, гарчи саломаликлари совуқ бўлса-да, ака-ука, опа-сингиллари намоён бўлиб, бирма-бир ўта бошлади.

Шу тобда бирдан яқинлашаётган бўрилар негадир бир-бири билан олишиб кетди. Бир оздан сўнг улардан бири аччиқ-аччиқ гингшиганча олислай бошлади. Иккинчиси эса Қосимга яқинроқ келди-да, узала тушиб ётди. Мерганнинг ёдига ялт этиб бундан икки ярим, уч йил аввал ўзи қўйиб юборган бўри боласи келди. Наҳотки бу ўша бўлса? Миясида ғужғон урган саволларга жавоб тополмай қараётган бўлган Қосим ҳам совуқдан, ҳам қўрқувдан титраб-қақшаб тунни белор ўтказди.

Кечаси билан мижжа қоқмаган Гулнора эса тонгги ғира-ширадаёқ қўшниларига овга кетган хожасининг ҳалигача қайтмаганини айтиб, ёрдам сўраб ёлвора бошлади. Дарҳол уч-тўртта овчи қўшилиб йўлга отланди. Қордаги из билан Қосим така отган жойгача улар адашмай боришди. Отилган така жасадини ҳам қийналмай топишди. Аммо мергандан ном-нишон йўқ. Демак овчилар билдики, Қосим думалаб кетган. Улар шоша-пиша пастга қараб бирин кетин туша бошлашди. Қай кўз билан кўрсинки, Қосимнинг ҳолсиз танаси қонга беланиб ётарди. Ҳамма у томонга ошиқди. Овчилар шарпасини сезган бўри эса аллақачон ўзини панага олган эди. Шикастланган маҳалладоши билан андармон бўлган овчилар жабрдийдани қўриқлаган бўрининг ўзига ҳам, изига ҳам аҳамият беришмади.

Қосимни қишлоқ четидаги биринчи хонадон эгаси Аббоснинг уйига олиб кириб, илтиб ўзига келтириш учун печка ёнига ётқизишди. Бундан хабар топган Гулнора кўзда шошқатор ёши билан орадан кўп ўтмаёқ етиб келди. Аёлининг афтодаҳол қиёфасини кўрган Қосим унинг қўлларини маҳкам қисиб кўришди. Бундан «бардам бўл» деган хитобни англаган аёл дарҳол ўзини ўнглашга уриниб деди:

— Худога шукур эй, жонингиз омон экан. Бахтимизга доим бошингиз тошдан бўлсин!

— Бунинг учун аввало сенга раҳмат, — деди Қосим лаблари титраганча пичирлаб. — Менинг тирик қолишимга сенинг меҳнатинг сабаб бўлди. Эсингдами, онасини Нажмиддин билмасдан отиб қўйган бўри



боласини боққанинг. Унга Сиртлон деб ном ҳам қуйгандинг. Ана шу бури бугун мени тун бўйи қуриқлаб чиқди. Қара, йиртқичда ҳам шунчалик меҳр бор. Биз одамларда-чи?! Беназир бу хислат инсондан йироқлашиб бораётгандай назаримда. Агар гапим ёлғон бўлса, бир курсоқдан тушиб, бир кўкракни сўриб улғайганлар бўридан ҳам бемеҳр бўлишармиди?! Ака-укалар, опа ва сингиллар йиллар давомида юз кўришмай юришармиди?!





## СЕВИНЧ АВАЗОВА

*1999 йилда Ўрта Чирчиқ туманида туғилган. Севинчнинг ижод намуналари вақтли матбуотда мунтазам эълон қилиб борилмоқда.*

## ШАҲЗОДА ТАМ-ТАМ

*(Эртак)*

Бор экан-у, йўқ экан, оч экан-у, тўқ экан. Қадим замонларда Люсерия салтанатида қирол Гир ва қиролича Марилар оиласида бир шаҳзода туғилибди. Бу шаҳзоданинг туғилиши барчага қувонч келтирибди. Чунки у туғилиши билан салтанатда тўқлик, хурсандчилик бошланган экан. Қирол ва қиролича ўзаро келишиб, ўғлига уларнинг тилида салобатлилик маъносини билдирувчи Там-там деб исм қўйишибди. Там-там исмига монанд бақувват, чиройли бўлиб етишибди. Уларга қўшни салтанат бўлган фаришталар билан инсонлар ҳеч ҳам келиша олмас экан. Доим бир-бирлари билан жанг қилиб яшар экан. Шаҳзода Там-там ўн саккиз ёшга тўладиган куни бу урушларга барҳам бериш учун фаришталар салтанатига йўл олишга ота-онасидан рухсат сўрабди. Ота-она ҳам урушлар тугашини истар, лекин ёлғиз ўғлини душмани ҳузурига жўнатишни истамас эканлар. Ўғлини аскарлар билан боришини айтганида шаҳзода Там-там агар улар қўшин билан борса, фаришталар нотўғри тушунишини айтиб, ёлғиз боришига кўндирибди. У учар отда йўлга тушибди. Учаверибди, учаверибди. Ниҳоят, «Оқ фаришталар

салтанати»га кўзи тушибди. У ҳеч нарсадан ҳайиқмай тўғри сарой томон кириб келибди. Фаришталар қироли Жанке уни кўриб ҳайратга тушибди. Шаҳзода Там-там қиролга ўз мақсадини айтиб, ярашишни таклиф этибди. Лекин қирол бунга фитна деб ўйлаб, уни саройдан ташқаридаги зиндонга ташлашни буюрибди. Лекин уларни зимдан кузатиб турган фаришта Мим-ми, синглиси фаришта Дин-дин, қиролича Си-силар унинг гапига ишонибди. Шаҳзода Там-тамни зиндонга олиб кетишаётганида, унинг кўзи фаришта Мим-мига тушиб, уни ёқтириб қолибди. Фаришта Мим-ми ичида ақлли йигит экан деб ўйлабди. Қироличага ҳам бу йигит маъқул бўлибди. Уни ўз қизига муносиб кўрибди. Лекин фаришталар қонунига кўра оддий одамга турмушга чиққан фаришта қанотларидан айрилар эди. Қироличани шу нарса ташвишга соларди. Аммо урушларга тўй туфайли барҳам беришни ўйлаб, қизига бу фикрини айтади. Қизи бир тарафдан салтанат тинчлигини ўйлаб, иккинчи тарафдан йигит ҳам унга ёқиб қолганлиги учун бу таклифга рози бўлибди. Улар яширинча шаҳзода Там-тамни зиндондан озод қилишибди. Шаҳзода Там-там ва фаришта Мим-ми учар отда Люсерияга учиб кетади. Қирол ва қиролича ўғлини кўриб хурсанд бўлди. Лекин ёнидаги фариштани кўриб хавотирга тушибди. Ўғли уларга бошидан ўтган воқеаларни айтиб берибди ва фаришта Мим-мига уйланиш нияти борлигини билдирибди. Ота-онаси агар тўй бўлса, фаришталар ҳужум бошлаши, аксинча бўлса ёлғиз ўғлидан айрилишини ўйлаб, тўй қилишга қарор қилибди.

Энди гапни фаришталар салтанатидан эшитсак. Шаҳзода Там-тамнинг зиндондан қочганлиги, қизининг ҳам у билан бирга кетганлигини билган қирол Жанке дарғазаб бўлибди ва Люсерияга қарши жанг бошлашга буйруқ берибди. Люсерияда бу пайтда тўй бўлиб ўтган, фаришта Мим-ми ҳам оддий инсонга айланганди. Люсерияга бостириб келган Қирол Жанке қизининг қанотсиз эканлигини кўриб, кечикканлигини, энди

урушиш бефойда эканлигини тушуниб етибди. Қизига оқ фотиҳа берибди. Шаҳзода Там-там ва малика Мим-миларнинг муҳаббати икки салтанатга тинчлик олиб келибди. Шундай қилиб, улар узоқ ва бахтли ҳаёт кечиришибди.

## ЭНГ ЯХШИ СОВҒА

Ёз. Болаларнинг энг севимли фасли. Шу фаслда Дилнозанинг туғилган куни нишонланади. У туғилган кунига барча синфдошларини таклиф этган. Синфдошлари Дилнозага совға тайёрлаш билан овора. Ҳатто айримларининг совғалари аллақачон тахт қилиб қўйилган. Шоҳида кашта тикилган рўмолча, Абдурахим ва Файзулла юмшоқ ўйинчоқ, Маҳфуза ўзи чизган расмини совға қилишмоқчи. Чарос эса мен унга ўзим эккан гулни совға қиламан деб, совғаларни тайёрлаб қўйди. Фақатгина Севинч ҳали ҳам совға танлаш билан овора.

Ниҳоят, орзиқиб кутилган дамлар келди. Дилнозаникига дугоналари бирин-кетин кириб кела бошлади. Чақирилган меҳмонлар жамулжаму, лекин Севинчдан ҳали ҳам дарак йўқ. Дилноза ўртоқлари орасида Севинчнинг йўқлигини кўриб, кўнгли бир оз чўккандай бўлди.

Байрам дастурхони тўкин. Дилнозанинг ойиси меҳмонларга парвона. Шу пайт эшик тақиллаб қолди. Ҳамманинг нигоҳи эшикда. Дилноза бирор нарсани сезгандай, суюниб эшикка югурди. Хайриятки, у кутгандай Севинч келибди. Севинч унга ҳеч кутилмаган, лекин унинг учун энг яхши совға бўлган — китоб берди.

## КУН ТАРТИБИ

Ислом жуда тиришқоқ бола. Бу йил у бешинчи синфни битиради. Унинг энг яхши хислатларидан бири кун тартибига риоя қилишдир. У гулларни севади.

Шунинг учун ҳам ҳовлисида турли хил гул кўчатларини парвариш қилади. Бундан ташқари футбол тўғарагига қатнайди. Мактабда ҳам илғорлар қаторида.

Кеча у дарсдан сўнг уйга келди. Кун тартибига бир қараб олди-да, дўсти Самандар билан бирга кўшни маҳалла болалари билан футбол ўйнашга кетди. У ойисидан рухсат олмай, ҳатто гулларига ҳам сув қуймай кетган эди. Бунинг устига кеч қайтди. Чарчаганидан дарсларини қилишга ҳам мажоли келмай, жойига чўзилди. Эртаси кун унинг учун омадсизроқ кун бўлди. Кеча у кун тартибини бузиб кеч ётганлиги учун кеч турди. Турганида кўшниси Асад уни чақираётган экан.

– Тезроқ бўл, Ислом, кеч қоламиз.

– Ҳозир чиқаман, кутиб тур.

У пала-партиш кийиниб, чойини ичмай, сумкасини олди-да, дўсти билан мактаб томон шошилди. Мактабда эса устозидан уйга вазифаларни бажармаганлиги учун ёмон баҳо олди. Тўғаракка ҳам негадир яхши қатнаша олмади. Уйга тушкун кайфиятда қайтди. Келиб не кўз билан кўрсинки, гуллари сўлиб қолибди. У хафа бўлганидан йиғлаб юборди.

– Гулларим, мени кечиринглар, – дея шошиб сув олиб келиб гулларига қуя бошлади. Гуллари энди аввалгидай ифор таратиб, яшнаб турмаётган эди.

У кеча ойисини ранжитганини эслаб, узр сўраш учун ошхонага югурди.

– Ойи, мени кечиринг.

– Майли, болажоним, энди бундай ҳол такрорланмасин, – деб ойиси Исломнинг юзидан ўпиб қўйди. У хонасига югуриб кирди-да, сумкасини очиб қилинмаган дарсларини қилиб, эртанги кун тартибини ҳам тузиб қўйди. Ҳовлига чиқиб ойисига қарашаётганида ойиси:

– Ўртоқларинг билан бир оз ўйнаб кела қол, – деди.

У бундан жуда ҳам шодланди.

– Энди ҳар доим кун тартибига амал қиламан, эрта тураман, аъло баҳоларга ўқийман, ҳали чемпион бўлман, – дея ўз-ўзига сўз берди.

## КИМ ДЎСТ?

Куз. Мактаб бошланганига ҳали кўп вақт бўлмади. Еттинчи синфдан бирга ўқишни бошлаган Жамшидни синфдош болалар бошқа вилоятдан кўчиб келганлиги учунми ҳалиям ўз сафларига қўшишганича йўқ. Ҳозир улар саккизинчи синфда ўқишяпти. Айниқса, синф сардори бўлган Шероз унга дарсдан ташқари умуман гапирмайди. Унинг назарида энг яқин дўсти синфдоши ва қўшниси бўлган Абдували. Бошқа вилоятлик эса унга дўст бўла олмайди. Бир куни у дўсти Абдували билан келаётган эди, олдиларидан бир тўда қўшни синфнинг безори болалари чиқиб қолса бўладими? Иккиси ҳам кўрқиб кетди. Безорилар уларга ташланмоқчи бўлиб турганида, дўстим деб билгани Абдували уни ташлаб қочиб кетди. Шерознинг эса қочишига безорилар йўл қўймай, уни дўппослай бошлашди. У қўлидан келгунча қаршилиқ қилди. Лекин бир ўзи тўртта безорига қандай қилиб бас келсин, айниқса, яқин дўст деб билгани уни ташлаб қочганида. Яхшиямки, шу пайт Жамшид спорт тўғарагидан қайтаётган экан. Синфдошини уришаётганини кўриб, безориларга ташланди. Жамшидни кўрган Шероз ўзини бир оз тутиб олди. Икковлашиб безориларнинг таъзирини беришди. Безорилар қочиб кетди. Йўл ўртасида фақат Шероз ва Жамшид. Улар бир-бирларига қараб туришарди. Биринчи бўлиб Шероз гап бошлади:

– Кел, дўст бўламиз.

Жамшид рози бўлди. Энди уларнинг дўстлигига ҳамма ҳавас қилади.





## ШОИРА ТЎЛАГАНОВА

1994 йилда Оҳангарон туманида туғилган. 2010 йилда «Орзулар фасли», 2011 йилда «Мангу сиймолар» номли шеърӣй тўпламлари чоп этилган. Шеърлари, ҳикоялари туман, вилоят, Республика матбуотларида мунтазам ёритиб келинмоқда. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши фаоли ҳамда Ўз.Ли.ДеП туман кенгашининг «Лидер қизлар» клуби раиси.

### АҚЛ ВИТАМИНЛАРИ

(Эртак)

Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим-қадим замонда бир қишлоқда Махфура исмли қизалоқ яшар экан. У жуда ҳам эркатой, тантиқ бўлганлиги сабаб на онасини, на отасини айтганини қилар, ҳатто буви-сининг насиҳатларига ҳам қулоқ осмас экан.

Махфуранинг инжиқликлари ҳаддан ортганидан у билан ҳеч кимнинг гаплашгиси келмай қолибди. Ёлғизланиб қолган Махфура йиғлаб-йиғлаб ухлаб қолибди.

Туш кўрибди. Бир маҳал қараса дарахтлари қалин ўрмонда эмиш. Ёнида бошига оппоқ рўмол ўраган кекса кампир ўтирганмиш. У онахонга бир қарабдию, салом ҳам бермай индамай ўтираверибди. Кампир эса Махфуранинг сочларини силаб: — Қизалоғим, сенга бир оз ақл витаминлари етишмас экан, ўша витаминларни ҳар куни тановул қилсанг, сен дунёдаги энг бахтли қизга айланасан, — дебди. Махфура ақл витаминларининг нима эканини энди сўрайман деганида, кампир кўздан ғойиб бўлибди.

Туши шу ерга келганида қизча бирдан чўчиб йўғониб кетибди. Сўнг кўрган тушини узоқ ўйлабди.

Ўйлаб-ўйлаб ақл витамини бирон бир ширинлик бўлса керак, деган тўхтамга келибди. Онасидан бу ширинликни сўраш учун ошхонага борибди. У ерда нонушта тайёрлаётган онасидан «ақл витамини»ни сўрабди. Онаси унга оққанд берибди. Махфура эса «менга ақл витаминини топиб беринг», дея хархаша қилибди. Неварасининг хархашасини эшитган бувиси нонуштадан кейин уни китоблар салтанатига олиб борибди. Сон-саноқсиз китобларни кўрсатиб, «Сен айтаётган ақл витаминлари шу китобларнинг ичида бўлади, бу витаминларни тановул қилишинг учун аввал ўқиш ва ёзишни ўрганишинг керак» — дебди. Махфура эса бувисига қараб: — Ақл витаминлари ширинлик эмасми? — деб сўрабди. Бувиси кулгидан ўзини аранг тўхтатиб: — Ҳа, қизалогим ақл витаминлари ширинликдан ҳам тоғлироқ неъматдир. Қачонки, сен илмга интилсанг, шу тоғли неъматдан баҳраманд бўласан, — дебди.

Махфура ақл витаминларини тановул қилиш учун эрта-ю кеч ўқиш ва ёзишни ўргана бошлабди. Қишлоқдаги барча болалар Махфура билан дўстлангиси келиб қолибди. Чунки у бутунлай одобли ва оқила қизга айланибди.

## НАФС КАСОФАТИ

*(Эртак)*

Бир бор экан, бир йўқ экан қадим-қадим замонда чекка бир қишлоқда ҳалол, ростгўй, меҳнатсевар бир йигит яшар экан. У эртаю кеч дехқончилик қилиб кун кечирар экан. Ночор бўлишига қарамай шу қадар бақувват экан-ки, тоғни талқон қилишга етгудай кучи бор экан. У ҳамиша инсонларга ёрдам берар, оғирини енгил қиларкан.

Бир куни дехқон йигитнинг кулбасига қоп-қора кийимда бир одам келибди. Ва унга қарата: — Ҳой йигит, мен сени анчадан буён кузатиб юрибман. Қачонгача бир бурда нон учун ўзингни қийнаб эртаю



кеч меҳнат қиласан? Агар шартимга рози бўлсанг, бир зумда бадавлат одамга айланасан, — дебди.

Йигит унинг сўзларини эшитиб ўйланиб қолибди. «Чиндан ҳам қачонгача бир бурда нонга зор бўлиб юраман. Мен ҳам ёғли овқатлар егим, кошоналарда яшагим келади», — деб ўйлабди ичида. Кейин эса қора одамга қарата: — Ҳар қандай шартингга розиман, фақат бадавлат бўлсам бўлди, — дебди.

Қора одам эса унга шартини айтибди.

— Деҳқончилик қилмайсан. Ҳар куни менга битта турна, иккита лайлак, учта кабутар овлаб олиб келасан. Эвазига сенга ҳар куни ўн тилло бераман.

Йигит осон бойлик топиш илинжида унга розилик берибди. Орадан кунлар ўтибди, у ҳар куни беозор қушларни овлаб, қора одамга топширар экан, эвазига ваъда қилган тиллоларини оларкан. Деҳқон йигит кундан кунга бойиб кетибди. Вайронаси кошонага айланибди. У шу қисқа муддат ичида шундай ўзгарибдики, олдинги ҳалол меҳнаткаш йигит ўрнини зиқна ва дангаса йигит эгаллабди. Унинг ёнига ночорлар ёрдам сўраб келса, эвазига нима беришини сўрар экан.

Кунлар ўтаверибди. Йигит шундай бадавлат бўлиб кетибдики, ҳатто косаси ҳам тилладан бўлибди. Бироқ ёш бўлишига қарамай йигит тез-тез дардга чалинадиган бўлиб қолибди. Билагида куч, юрагида олов қолмабди. Бориб-бориб йигит қаттиқ бетоб бўлиб қолибди. Юртдаги барча табибларни чақириб, уларга тиллолар инъом қилибди. Бироқ ҳеч бири уни тuzатолмабди. Шунда унинг кошонасига бир нуроний чол кириб келибди. Йигит уни табиб деб ўйлаб дардини баён қилибди.

— Илгари бир бурда нон билан куним ўтарди, лекин жуда бақувват эдим, юрагимда ҳамиша ўт ловиллаб турарди. Энди эса ҳамма нарсам етарли, бойлигимнинг ҳисоби йўқ, бироқ ўзимни кучсиз ва заиф ҳис қилаяпман, — дебди.

Чол бир оз жим турибди-да, унга қарата шундай дебди: — Камбағаллигингга билагингдаги куч иймонинг

эди, юрагингда ёниб турган аланга покиза виждонинг эди. Сен ўшалар билан бақувват эдинг. Энди улар сени тарк этди. Чунки сен уларга бевафолик қилдинг, беозор қушларни бойлик учун ўлдириб шайтонга элтиб бердинг. Ўз нафсингга қул бўлдинг. Энди сен ҳеч қачон кучли бўла олмайсан, — дея нуроний чол кўздан ғойиб бўлибди.

Орадан кўп ўтмай, йигит вафот этибди. Унинг кошонаси эса вайрон бўлиб, бойқушларнинг маконига айланибди.

Қиссадан ҳисса шуки, ким ҳалол яшамас экан у ҳалокатга маҳкум бўлади.

## ГУЛЧИ БОБО

*(Эртак)*

Жуда қадим замонда сеҳргар Гулчи бобо бўлган экан. У сон-саноқсиз гул навларини яратар, ўзи яратган гуллар билан суҳбат қураар экан. Кунларнинг бирида у гуллар билан суҳбат қургани яна гулзорга борибди. Энг аввал гулзордаги энг чиройли гул — атиргул билан суҳбат қургиси келиб, унинг ёнига борибди. Бироқ Атиргул унга салом ҳам бермабди. Бундан жуда ранжиган Гулчи бобо унинг бутун танасини тикан билан қоплаб қўйибди. Кейин эса гулзорнинг йиғи овози келаётган томонига қараб юрибди. Бориб қараса, қизғалдоқ кўзларидан томчи-томчи ёш тўкаётган экан.

— Нега йиғлаяпсан? — деб сўрабди Гулчи бобо.

Қизғалдоқ салом берибди-да: — Гулзорда жуда зерикдим. Тоғларга чиққим келяпти, — дебди. Гулчи бобо бир оз ўйланиб турибди-да, уни гулзордан кетишига рухсат берибди. Қизғалдоқ Гулчи бобога раҳмат айта-айта тоғларга чиқиб кетибди.

Гулчи бобо шундан кейин ўйланиб қолибди. Кейин эса ҳар битта гул билан бирма-бир суҳбат қуриб, уларнинг нима истагини билиб олибди. Бойчечак ва Чучмомони ўзларига хоҳлашгандек Баҳор ҳузурига

жўнатибди. Нилуфарни эса сув бағрига берибди. Шу тариқа Гулчи бобо барча гулларни ўзлари истаган маконларга жўнатибди. Фақат атиргулнигина унинг одобсизлиги учун гулзорга банди қилиб қўйибди. Шундан бери атиргул фақат гулзордагина гуллашга ва яшашга маҳкум экан.

## ОЙМОМОНИНГ ОРЗУСИ

*(Эртак)*

Қадим замонда қуёш-у ой, юлдузларни ҳамиша бир жумбоқ қийнаб келар экан. Шу сабаб ҳайратланиб бир-бирига: — Наҳотки, биз яшаб турган осмоннинг чеки бўлмаса, — дея савол бераркан. Бу саволга ҳатто бутун оламга зиё улашувчи Қуёш ҳам жавоб бера олмас экан. Бир куни ой осмоннинг охирини топишга бел боғлабди. Бироқ ҳарчанд уринмасин буни уддасидан чиқа олмабди. Бундан юрагида армон пайдо бўлибди. Ўша кундан бошлаб, кундуз кунлари ухлаб, фақат қоронғуда осмон тоқига чиқадиган бўлибди. Вақт ўтиши билан оймомонинг юрагидаги армон унинг оппоқ юзларига доғ бўлиб ўрнашиб олибди. Ойга болалари юлдузларнинг раҳми келибди. Улар ўзаро келишиб, қандай бўлмасин момосига осмоннинг охирини топиб беришга қарор қилишибди. Ўшандан буён юлдузлар ҳаётини хавф остига қўйиб, момоси ой учун осмоннинг охирини излаб кетишаркану, аммо ҳеч изига қайтишмаскан. Чунки митти юлдузчалар ёш ва тажрибасиз бўлганлиги боис, ерга қулаб туша-вераркан.

Бундан хабар топган ой энди изтиробдан ўн беш кун осмон тоқига чиқса, ўн беш кун уйига қамалиб оладиган бўлибди. Юлдузлар эса ҳалигача осмоннинг охирини излаш билан овора эканлар.

## ЯХШИНИНГ УМРИ

(Эртак)

Бир бор экан, бир йўқ экан. Қадим ўтган замонда, узоқ-узоқ томонда, баланд тоғлар ортида, ўрмонлар орасида чол билан кампир яшар экан. Улар бефарзанд эканлар. Шу боис чол ва кампир бундан кўп азият чекишар, одамлар орасида яшамай, ҳеч кимсиз ўрмонда ҳаёт кечиришар экан. Шу зайлда кунлар ўтибди. Чол ва кампирнинг белларидан қувват, кўзларидан нур кета бошлабди. Улар кексайганида суянчиқ бўладиган фарзанди йўқлигидан бир-бирига билдирмай ўксинар эканлар. Кунларнинг бирида кампир оғир хасталикдан оламдан кўз юмибди. Чол эса ёлғиз қолибди. Ҳеч кимсасиз ўрмонда дардини ким билан бўлишишни билмай, кечаси юлдузлар билан суҳбатлашадиган бўлибди. Чолнинг қадди букилиб, бир суянчиққа муҳтож бўлиб қолибди.

Шу сабаб дарахтлардан ёрдам сўрамоқчи бўлиб, аввал теракнинг ёнига борибди. Ундан хасса беришини ўтинибди. Терак мағрурлик қилиб чолнинг гапларига қулоқ солмабди. Чол эса ундан қаттиқ ранжиб, ўрикнинг ёнига борибди. Ўрик ҳам: — Менинг меваларим бор, сизга ёрдам беролмайман, — дебди. Мажнунтолнинг ёнига борса, у ҳам хаёл суриб чолга эътибор бермабди. Шу зайлда чол дарахтлардан ёрдам сўрайвериб тинкаси қурибди. Кекса чолни бир четда кузатиб турган чинор чолга ўзининг шохларидан пухта ва пишиқ ҳасса берибди. Бундан қувонган чол кўзларига ёш келиб, кафтларини дуога очибди. Чинорга узоқ умр тилабди.

Шундан кейин чинор ожиз, кекса инсонга беминнат ёрдам берганлиги учун минг йил умр кўрадиган бўлибди.

Қиссадан ҳисса шуки: Ожиз инсонлардан ёрдамини аямаган ва уларнинг дуосини олган инсонлар чинор дарахти каби боқий яшар эканлар.

## БОТИРНИНГ ИККИ БАҲОЛАРИ

(Эртак)

Бор экан-у йўқ экан, оч экан-у тўқ экан. Жаннатмакон диёрнинг кўркам қишлоғида Ботир исми болакай яшар экан. У мактабда ўртоқлари билан жанжаллашар, устозларини ҳурмат қилмас экан. Кундалик дафтарисидаги ҳамма баҳолари «2» экан.

Унинг синфида Аваз деган ўқувчи бўлиб, Ботир у билан уришгиси келиб қолибди. Дарсдан кейин улар майдонда беллашадиган бўлишибди. Авазнинг кундалик дафтарисидаги беш баҳолари ёрдамга келибди. Ботирнинг икки баҳолари бирлашиб, унинг оёғидан чалибди. Авазнинг беш баҳолари жуда кўп бўлиб, ҳар тарафидан уни ҳимоя қилаверибди. Қанчалик бақувват бўлишига қарамай Ботир мағлуб бўлибди. Ботир ётган жойида ўрнидан қўзғала олмабди. Оёқларини, қўлларини икки баҳолар чирмаб ташлабди. Бор овози билан бақирар, лекин унинг товушларини ҳеч ким эшитмас экан. Иккилар уни тобора ботқоққа тортиб кетаётган пайтида бирдан уйғониб кетибди. Қўрқиб кетган Ботир: — Ҳайрият, тушим экан, — дея ўзига тасалли берибди. Шу кундан бошлаб Ботир икки баҳодан нафратланиб, Аваз сингари фақат беш баҳо олишни ўзига мақсад қилибди. Кўп ўтмай Ботир аълочи ўқувчига айланибди.

## ОНА МЕҲРИ

(Эртак)

Бир бор экан, бир йўқ экан қадим замонда бир қишлоқда кекса кампир яшаркан. Унинг уч паҳлавон ўғли бўлиб, ўзларининг мард ва жасурлиги билан элда донги кетган паҳлавонлар экан. Шу боис уларни одамлар уч қаҳрамон деб аташаркан. Уч паҳлавоннинг таърифи мамлакатнинг шоҳига етиб борибди ва у йигитларни унинг хизматини қилиш учун ҳузурига

чорлабди. Кекса кампирнинг уч ўглидан бўлак ҳеч кими йўқ экан, ўғилларисиз эса бир кун ҳам яшай олмас экан. Шу боис унинг кўзларига маржон-маржон ёш келибди. Лекин рад жавобини берса фарзандларининг бошига ташвиш тушиши мумкинлигини ўйлаб, подшонинг сўзларига қаршилик билдира олмабди. Ўғиллари подшоҳ саройига равона бўлишибди. Меҳридарё она уларнинг ортидан хўрсинганича термилиб қолибди. Шу кундан бошлаб унинг ёлғиз ўзи яшай бошлабди. Орадан кунлар ўтибди. Кекса она фарзандларини кўргиси келиб, саройга йўл олибди. Лекин она қанча кўзёш тўкмасин, уни навкарлар сарой дарвозасидан киритишмабди. Уч ака-ука онасининг уларни излаб келганидан хабар топишгач, саройдан қочишга аҳд қилишибди. Бироқ буни сезиб қолган подшоҳ, ўғлонларни сеҳрлаб, юрагини тошга айлантириб қўйибди. Ўша кундан бошлаб ака-укалар онасининг овозини эшитишса ҳам, уни танимайдиган бўлишибди. Бир куни онаизор сарой дарвозаси тагида: — Фарзандларимни бир бора кўрсам, бу дунёда армоним йўқ, — дея йиғлаб ўтирганида ёнига бир кампир келибди. У оддий кампир эмас сеҳргар кампир экан.

— Ўғилларинг учун найга айланишга ҳам розимисан, — дебди у.

— Ҳа, ҳамма нарсага розиман, — дея жавоб берибди онаизор.

Шундан кейин сеҳргар кампир уни найга айлантириб қўйибди ва саройдаги тантанали байрамга ташриф буюриши керак бўлган чўпон болага берибди. Чўпон болага найни байрамда ҳамма тўплангач чалиши кераклигини уқтирибди. Чўпон бола саройга йўл олибди. У худди сеҳргар кампир айтгандек унга навбат етганида найини берилиб чала бошлабди. Найдан болаларини соғинган онанинг дардли нолалари янграбди. Бутун сарой сукутга чўмибди. Найнинг дардли оҳангидан барчанинг кўзига ёш келибди. Ҳатто уч ўғлонни сеҳрлаб қўйган подшоҳ

ҳам бу нолаларга чидай олмай қолибди. Шунда у онани болаларидан айирганига пушаймон бўлибди. Кейин эса уч ўғлонни ҳузурига чорлаб уларни яна асл ҳолига қайтарибди. Буни четдан кузатиб турган сеҳргар кампир ҳам чўпон боланинг кўлидан найини олиб, уни ўз ҳолига қайтарибди. Уч паҳлавон йигит оналарини кўриб, ҳайратдан бир лаҳза қотиб қолибди. Кейин эса онасининг пойига бош эгишибди. Онаизор ўғилларини бир-бир кучиб, пешоналаридан ўпибди. Улар орасидаги меҳр-муҳаббатни кўрган подшоҳ уларга уйларига кетиш учун изн берибди. Онаизор уч паҳлавон ўғлини ёнига олиб ўз кулбаси томон равона бўлибди.

## БУВИМНИ ҚИДИРАМАН

Кунлар жуда иссиқ, салқингина боғда кўшни болалар билан бекинмачоқ ўйнаймиз. У болалар жуда гирром ва айёр. Улар билан сира ҳам ўйнагим келмайди-ю, бир ўзим зерикиб қоламан-да. Бувим бўлса кундузи эртақ айтишни ёмон кўради.

Бугун мени болалар қаттиқ хафа қилишди. Бекинмачоқ ўйинида мени кўзимни боғлашди. Овоз чиқармасдан ўттизгача санаганимдан сўнг кўзимни очиб, уларни роса изладим, топа олмадим. Улар ўзаро келишиб, кўзим боғлоқ пайтида уй-уйига тарқалиб кетишибди. Менга жуда алам қилди, ахир бу биринчи марта эмасди-да. Улкан чинорнинг ковагига кириб олиб, овоз чиқармасдан узоқ йиғладим. Кейин юзимни ювиб баҳона қидирдим. Бувим «нега йиғладиң?» деса, нима дейман?

Топдим! Полвон буванинг ити қувди, дейман. Йўқ, бўлмайди. Бувим ҳассасига суяниб, ҳансираб бўлса ҳам уларникига бориб, итидан шикоят қилса, нима қиламан? Қовоқларим шишган, устига устак, бурним ҳам қулупнайдай бўлиб қизариб қолган.

Э, ҳа, зўр баҳона топдим! Бувимга «боғда капалак тутаётгандим, бурнимга пашша кириб кетди, кейин

кўзимдан тинмай ёш оқди» дейман. Шунда ишонади. Шу хаёл билан уйга югурдим.

Мен ҳар куни қуёш ботишини интиқлик билан кутаман, чунки бувим қизиқарли эртақлар айтиб беради. Иссиқ кафтлари бошимни силаганида шу заҳоти уйқум келиб мудрай бошлайман. Мен улар айтиб берган эртақларда яшагандай бўламан. Эртақ тинглаганимда кўшни болаларнинг қилган мазахлари-ю, чинор қавагида йиғлаганларим эсимдан чиқиб кетади. Бугун ҳам кечаги эртақнинг давомини эштаман.

Уйга келсам, негадир бувим менга эътибор бермади. Қаерда эдинг, деб ҳам сўрамади. Ўрнида кўзини юмган кўйи ётаверди. Кечқурун ҳам эртақ айтиб бермади. Эрталаб кўзимни очсам, ёнимда бувим йўқ. Дадам ва ойим уларни касалхонага олиб кетибди. Туш пайти касалхонадан келишди. Дадамнинг кайфияти ёмон, ойимнинг негадир кўзлари қизариб кетибди. Бувим яна ўрнига чўзилди. Дадам билан онам бувимнинг ётишига ёрдам беришди.

Кун ботиши билан уйимизга кўп одамлар келишди. Кўшни болаларга «Бизнинг уйимизга кўп меҳмонлар келди», деб роса мақтандим. Ўзимда йўқ хурсанд эдим. Бувимнинг ёнига мени киритишмади, меҳмонлар кўп экан.

Бугун ҳам эртақ эшитмадим. «Ёрилтош»нинг давомини айтиб беришлари керак эди. Тонгда уйғонсам, кўшнимизнинг уйида ётибман. Ҳайрон бўлдим. Уйимга кетаман десам, кўшни қиз эшикни кулфлаб қўйди. Энди йиғлайман деганимда, қўлимга шоколад тутқазди. Кейин у менга мультфильм қўйиб берди. Уни кўриб ўтириб яна ухлаб қолибман. Уйғонганимда кун ботай деб қолибди. Уйимизга борсам, ойим кўк рўмол ўраб олибди. Дадамнинг эгнида узун чопон, бошида дўппи.

Бувимни роса изладим. Тополмагач, «бувим қани», деб хархаша қилдим. Ойим юзини рўмоли билан ёпиб, пиқиллаб йиғлади. Дадам бўлса титроқ овозда «Бувинг узо-о-ққа, осмонга, қариндошларимизникига кетди, яқинда келади», деди. Яна эртақ эшитишимни ўйлаб, хурсанд бўлдим.



Бироқ, ҳарқанча кутмай, бувим келмади. Биринчи синфга борганимда ўқитувчимиз шеър ёдлатди. Ҳар сафар эртақ эшитганимда шу шеърни айтадиган бўлдим:

Ёлвораман, эй само,  
Сен бувимни қайтиб бер!  
Ёки сен бувим бўлиб,  
Менга эртақ айтиб бер!



---

## МУНДАРИЖА

Беғубор сатрлар садоси ( <i>Маҳмуд Тоир</i> ) .....	3
Ниҳола Халилова .....	6
Наима Абдурахмонова .....	9
Дилфуза Зайниддинова .....	12
Назокат Эркинова .....	16
Бекзод Озод .....	19
Севдо Қозоқбоева .....	22
Фируза Хайруллаева .....	25
Мафтуна Назарова .....	28
Кумуш Абдусаломова .....	31
Аслиддин Сабриддинов .....	36
Ойбек Акбаров .....	39
Умриниса Миржалилова .....	42
Беҳзод Бийболаев .....	45
Сирожиддин Робидов .....	48
Суннатулла Мусамедов .....	51
Баҳодир Эрназаров .....	55
Ирода Дониёр қизи .....	57
Гулчеҳра Ортиқова .....	60
Муқаддас Фарҳод қизи .....	63
Дилнавоз Нажимова .....	66
Ситора Тошматова .....	68
Сарвинозхон Маматова .....	71
Мухлиса Абдуқодирова .....	75
Нозима Эркинбоева .....	78

Мадинабону Саидова .....	83
Дилҳаёт Эркинова .....	86
Севинч Хурсаналиева .....	89
Дилсора Абдусатторова .....	92
Юнусбек Абдиев .....	101
Севинч Авазова .....	114
Шоира Тўлаганова .....	119

*Адабий-бадиий нашр*

## **ЁШЛИК БАҲОРИНИНГ БОЙЧЕЧАКЛАРИ**

Нашрга тайёрловчи *Ботир Эргашев*

Муҳаррирлар: *Абдурахмон Жўраев,*  
*Даврон Удугмуродов*

Бадиий муҳаррир *Шухрат Мирфайёзов*

Техник муҳаррир *Татьяна Смирнова*

Мусахҳиҳ *Фотима Ортиқова*

Компьютерда саҳифаловчи *Сурайё Раҳмедова*

Нашр. лиц. № 154. 14. 08. 09.

Босишга 2013 йил 20 декабрда ружсат этилди.

Бичими 84x108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Таймс гарнитураси. Офсет босма.

6.93 шартли босма тобоқ, 5,14 нашр тобоғи. Адади 3000 нусха.

506 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.

100128. Тошкент. Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

**Бизнинг интернет манзил:** [www.gglit.uz](http://www.gglit.uz)

**E-mail:** [info@gglit.uz](mailto:info@gglit.uz)